

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МУСУРМАНОВ ЭРКИН РАББИМОВИЧ**

**ЎЗБЕК-ХИТОЙ ХАЛҚЛАРИ АДАБИЙ АЛОҚАЛАРИ ГЕНЕЗИСИ:  
ФОЛЬКЛОР ВА АДАБИЁТДА МУШТАРАКЛИК**

**10.00.02 – Ўзбек адабиёти**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2020**

**Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской диссертации**

**Content of the abstract of doctoral dissertation**

**Мусурманов Эркин Раббимович**

Ўзбек-хитой халқлари адабий алоқалари генезиси: фольклор ва адабиётда

муштараклик..... 3

**Мусурманов Эркин Раббимович**

Генезис узбекско-китайских литературных связей: общность в фольклоре и

литературе ..... 33

**Musurmanov Erkin Rabbimovich**

The Genesis of the Literary Relations of the Uzbek-Chinese Peoples: Commonality

in Folklore and Literature ..... 63

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 68

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МУСУРМАНОВ ЭРКИН РАББИМОВИЧ**

**ЎЗБЕК-ХИТОЙ ХАЛҚЛАРИ АДАБИЙ АЛОҚАЛАРИ ГЕНЕЗИСИ:  
ФОЛЬКЛОР ВА АДАБИЁТДА МУШТАРАКЛИК**

**10.00.02 – Ўзбек адабиёти**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2020**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги олий аттестация комиссиясида №В2019.3.DSc/Fil184 билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида [www.samdu.uz](http://www.samdu.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

<b>Илмий маслаҳатчи:</b>	<b>Муҳиддинов Муслиҳиддин Қутбиддинович</b> филология фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Сирожиддинов Шухрат Самариддинович,</b> филология фанлари доктори, профессор <b>Элтазаров Жўлибой Донабоевич,</b> филология фанлари доктори, профессор <b>Ма Цуй Линг</b> филология фанлари доктори
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>ЎзФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори</b> <b>институти</b>

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40; e-mail: [rector@samdu.uz](mailto:rector@samdu.uz) Самарқанд давлат университети, Бош ўқув биноси, 105-хона.

Диссертация билан Самарқанд давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40.

Диссертация автореферати 2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ -рақамли реестр баённомаси).

**Ж.Ҳамроев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси ўринбосари, филол.ф.д.

**А.Б.Пардаев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
котиби филол.ф.д.

**А.Э.Маматов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
кошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д.

## КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Мавзунинг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон адабиётида хитой адабиёти қадимийлиги ва ўзига хослиги билан доимо олимларнинг диққат марказида бўлиб келмоқда. Кўхна Чинда инсоният цивилизациясининг дастлабки бадиий тафаккур намуналари, фольклоридаги горизонтал (ер, осмон ва бошқ.) ва вертикал (одам, ўсимлик, жонивор, ёмғир ва бошқ.) мифологик дунё образларининг Ин-Янг (хитойча анъанавий: 陰 陽) ва беш унсур (тупроқ, ёғоч, темир, сув ва олов) айлана ҳаракатлари билан боғлиқ ўзига хос, уникал тушунчалар ва улар заминида вужудга келган бадиий тасаввурлар жаҳон фольклори ва адабиёти учун ниҳоятда фойдали ва илгари кузатилмаган янги қирраларининг очилишига сабаб бўлади.

Дунё адабиётшунослигида хитой адабиёти билан маълум бир миллий адабиётни солиштириш, қиёслаш ва тегишли хулосаларга келиш амалиёти кенг қўлланилмоқда. Бу адабиёт ўзининг қадимийлиги билан кўпгина халқлар адабиёти учун хронологик адабий давр ўлчовига айланмоқда, адабий алоқалар тарихининг туб илдизларини аниқлаш учун замин вазифасини бажармоқда. Бинобарин, Хитой адабиёти билан маълум бир миллий адабиётни қиёсий тадқиқ қилиш, мавжуд бадиий унсурлар, сюжет, образлар силсиласи, жанрлар поэтикаси генезиси, эволюцияси ва онтологияси каби муаммоларни замонавий таҳлил методлари асосида ўрганиш бугун муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбек адабиётшунослигида ўзбек-хитой халқлари адабиётларининг мавжуд муштарак томонларини тадқиқ қилиш жараёнида адабий тур, жанр, сюжет, персонаж-эпизод, поэтик тимсол ва муаллифлар мифологик образларининг ўтмиш манбалари асосида генезисини аниқлаш; бадиий замин ва ундан ривожланиб, такомиллашган параллель, зиг-заг, спираль ёки ташқи таъсирлар ёрдамида турли эврилиш ва ўзгаришга юз тутган икки халқ версияларини қиёсий ўрганиш, солиштириш ва хулосаларни келтириш; Алишер Навоий, Раҳимбобо Машрабнинг Ёркенд хонлиги давридан XX аср бошларигача бўлган Шимолий-Ғарбий Хитой ҳудуди адабий раванқига қўшган ҳиссасини ва чиғатой (эски ўзбек) тилида ижод қилган барча таниқли шоирлар ижодига кўрсатган таъсирини ёритиш, бадиий анъана ва янгилик масалаларига ойдинлик киритиш муаммоси мавжуд бўлиб, у мазкур ишнинг долзарблиги ва заруратини белгилайди.

Ўзбекистон-Хитой халқларининг ижтимоий-тарихий, диний- фалсафий, маданий-адабий алоқалари жуда қадим илдизларга эга. Ўтмиш манбаларида хитойликлар ўз юртини “осмоноти” (天下 — tian xia — тиен сия) деб аташган, самони мамлакатни асровчи қудрат, илоҳий макон сифатида билишган. Ўзбекларнинг қадим аجدодлари чинликлар каби фазони тенгри салтанати, улусини кўк химоясидаги юрт деб ўйлашган, борлиқ эгаси ва юрт асровчиси, худолар пантеони ҳақидаги мифологик қарашлар генезисидаги муштараклик, энг қадимги руник ёзувларидаги ўхшашлик, теологияга асосан бир ота - Ёфас болалари сирасида келтиришган. Таъкидлаганидек:

“Ўзбекистон ва Хитой алоқалари кўп асрлик тарихга эга бўлиб, Буюк ипак йўли даврига бориб тақалади. Халқларимиз ўртасида азал-азалдан барқарор савдо-сотик, илм-фан ва гуманитар алоқалар йўлга қўйилгани, маданиятларимиз, анъана ва урф-одатларимиз бир-бирини бойитгани ҳақидаги кўплаб ёрқин мисоллар тарих саҳифаларига муҳрланган”<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сон «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида»ги, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 24 июлдаги 571-сон «Самарқанд давлат университети фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи<sup>2</sup>.**

Хитой ва миллий адабий алоқалар генезиси, қадимги халқлар мифологик қарашларидаги муштаракликни ўрганишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг нуфузли илм-фан марказларида, жумладан, Peking University, Fudan University, Zhejiang University (XXP); University of Tokyo (Япония); Seoul National University (Корея); University of Delhi (Ҳиндистон); University of California, University of Harvard (АҚШ); Universiteit van Amsterdam (Голландия); Oxford University Language Centre (Буюк Британия); Санкт-Петербург давлат университети, Россия ФА Шарқшунослик институти; Новосибирск давлат университети (Россия); Қозоқ миллий университети (Қозоғистон); шунингдек, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, ЎЗДСМИ, Ўзбекистон

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.: Ўзбекистон Хитой билан ҳамкорликдан манфаатдор. [Электрон ресурс]: URL <https://kun.uz/32085905> (муурожаат вақти: 18.08.2019).

<sup>2</sup> Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотларга оид маълумотлар [www.pku.edu.cn](http://www.pku.edu.cn)., [www.fudan.edu.cn](http://www.fudan.edu.cn)., [www.zju.edu.cn](http://www.zju.edu.cn)., [www.u-tokyo.ac.jp](http://www.u-tokyo.ac.jp)., [www.useoul.edu](http://www.useoul.edu)., [du.ac.in/adm2019/](http://du.ac.in/adm2019/)., [www.universityofcalifornia.edu](http://www.universityofcalifornia.edu)., [www.homepage.psy.utexas.edu](http://www.homepage.psy.utexas.edu)., [www.lscpl.net](http://www.lscpl.net)., [www.aolifo.de](http://www.aolifo.de)., [www.kodanshausa.com](http://www.kodanshausa.com)., [www.diva-portal.org](http://www.diva-portal.org)., [www.roa.rutgers.edu](http://www.roa.rutgers.edu)., [spsbu.ru](http://spsbu.ru)., [www.ras.ru](http://www.ras.ru)., [www.ivran.ru](http://www.ivran.ru)., [www.nsu.ru/n/](http://www.nsu.ru/n/)., [www.kaznu.kz](http://www.kaznu.kz)., [www.navoiy-uni.uz/ru](http://www.navoiy-uni.uz/ru)., <http://dismi.uz>., [www.academy.uz](http://www.academy.uz)., [www.adu.uz](http://www.adu.uz) ва бошқа манбаларда берилган.

Республикаси ҶА Тил ва адабиёт институти, Андижон давлат университети (Ўзбекистон) да олиб борилмоқда.

Қадимги ёзма манбалар «Шижинг» (詩經), “Шужинг” (書經), “Ижинг” (易經), «Шанхайжинг» (山海經), “Хуайнанзи” (淮南子) генезиси ва эволюциясининг назарий асосларини ишлаб чиқиш, Конгфутзи (рус. Конфуций) ва бадий адабиёт, хитой лирикаси ва насрий асарлари такомилга бағишланган тадқиқотлар негизида илмий натижалар олинган (Peking University (北京大学), Fudan University (復旦大学), Zhejiang University (浙江大学, Zhōnghuá Rénmín Gònghéguó); Буюк Ипак йўли ва унинг адабий жараёнлардаги трансконтинентал аҳамияти (University of Harvard, University of Colifornia, USA Universiteit van Amsterdam, Holland; Oxford University Language Centre, Great Britain); Хитой мифологиясининг Узоқ Шарқ адабиётидаги ўрни ва унинг япон насрига, синтоизм мифларига кўрсатган таъсирига оид тадқиқотлар яратилган (University of Tokyo, Japan); қадимги Когурё, Пэкче ва Силла давлатлари санъати, маданияти ва адабиётга Хан фольклори образ ва персонажларининг таъсири (Seoul National University, Корея); “Рамайна”, «Жанглар қиссаси. Маҳобҳорат ёки Бхарата авлодлари жангномаси» асарларида Хитой, Марказий Осиё фольклори намуналари ўрганилган, эпик қаҳрамонлар қиёсий солиштирилган (University of Delhi, India); қадимги хитой адабиёти ва унда Конгфутзининг тутган ўрнига оид изланиш олиб борилган (Россия ҶА, РФА Шарқшунослик институти); хитой мумтоз насри, ҳозирги замон хитой адабиёти, 1979 йилдан ўз санасини бошлаган ва дастлаб “ғурралар адабиёти” деб номланган замонавий хитой адабиётини ёритувчи тадқиқотлар майдонга келган (Санкт-Петербург давлат университети, Новосибирск давлат университети, Россия); кўчманчи халқлар оғзаки ижоди, ўтмиш жир ва эртақларида хитой мифологиясида мавжуд бўлган образларнинг акс этиши (Қозоқ миллий университети (Қозоғистон); қадимги туркийларнинг худолар пантеони, олам яралиши, Хитой худудида яшаган аجدодларимиз мифологик тушунчаларига оид тадқиқот яратилган (Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, ЎзР ҶА хузуридаги тил, адабиёт ва фольклор илмий-тадқиқот институти) “Фольклоршунослик асослари” ўқув қўлланмаси (Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти), миф, фольклор ва адабиётга оид бир қатор тадқиқот ишлари майдонга келган (Ўзбекистон Республикаси ҶА Тил ва адабиёт институти), Алишер Навоий адабий меросининг Шинжон адабий муҳитига таъсири, Низорий, Ғарибий, Зиёи каби адиблар ижодий услублари такомилдаги ўрнига бағишланган тадқиқотлар яратилган (Андижон давлат университети).

Хитой халқи билан қўшни яшаган элларнинг, жумладан, туркий, ҳинд, тибет каби халқлар миф ва эртақларининг хитой эли фольклорига ўтказган таъсирини аниқлаш бугунги дунё адабиётшунослигининг долзарб масалаларидан бўлиб турибди.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Туркий адабиётнинг илк намуналари тошбитиклар, кўҳна диний матнлар, “Девону луғот ат-турк”,

“Кутадғу билик” каби қадимги асарлар, бахши-жиров йирлари, шунингдек, антик юнон ва айниқса, кўхна хитой манбалари орқали сақланиб қолинганки, бу ёдгорликларнинг қиёсий таҳлили, яратилиш сабаблари, эволюцияси, антропологияси, герменевтикаси<sup>1</sup> ва уларнинг барчаси туташадиган генезис масаласи, ўрта асрлардаги адабий анъаналар, хитойдаги чигатой тилли адабиёт билан Мовароуннаҳр мумтоз адабиёти алоқалари ўзбек адабиётшунослиги ва фольклоршунослиги муштараклигида алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилмади. Бунинг бир сабаби “Хитой манбалари ўзбек тилига умуман таржима қилинмагани”<sup>2</sup> бўлди.

Диссертация умумий проспекти йўналиши доирасида ўзбек ва хитой адабиётининг айрим масалалари билан боғлиқ куйидаги тадқиқотлар бажарилган:

1. Қадимги туркий адабий ёдгорликлар ва мифология бўйича В.М.Жирмунский ва Х.Т.Зарифовнинг ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси<sup>3</sup>, Т.Мирзаевнинг “Алпомиш” достонининг ўзбек вариантлари<sup>4</sup>, Б.Саримсоқовнинг эпик жанрлар диффузияси<sup>5</sup>, М.Жўраевнинг фольклоршунослик асослари<sup>6</sup> ва ўзбек халқ самовий афсоналари<sup>7</sup>, М.Жўраев ва М.Нарзиқуловнинг миф, фольклор ва адабиёт масалалари<sup>8</sup>, Ш.Турдимовнинг ўзбек халқ кўшиқларида поэтик рамзлар<sup>9</sup> ва “Гўрўғли” туркумидаги достонлар генезиси<sup>10</sup>, Ж.Эшонқуловнинг ўзбек фольклорида дев образи<sup>11</sup>, туш ва унинг бадиий талқини<sup>12</sup>, А.Абдурахмоновнинг туркий халқлар оғзаки ижоди<sup>13</sup>, К.Имомов ва бошқаларнинг ўзбек халқ оғзаки поэтик ижодига бағишланган ишлари яратилди<sup>14</sup>; Ш.Сирожиддиновнинг Давлат мукофотига сазовор бўлган Алишер Навоийга оид маълумот берувчи қўлёзма манбалар асосида мутафаккирнинг қардош халқлар ижодига таъсири масаласи ҳам ёритилган тадқиқоти<sup>15</sup> ва Конгфутзи каби

---

<sup>1</sup> Қадимийлиги ёки сақланишдаги нуқсонлар туфайли дастлабки маъноси тушунарсиз ҳолга келиб қолган матнларни тикловчи соҳа.

<sup>2</sup> Хўжаев А. Фарғона тарихига оид маълумотлар: Қадимий ва илк ўрта аср Хитой манбаларидан таржималар ва уларга шарҳлар / А.Хўжаев. Фарғона: «Фарғона» нашриёти, 2013. – 288 б.

<sup>3</sup> Жирмунский В.М., Зарифов Х.Т. Узбекский народный героический эпос. – М.: ОГИЗ. 1947. — 519 с.

<sup>4</sup> Мирзаев Т. «Алпомиш» достонининг ўзбек вариантлари. – Т.: Фан, 1968.–168 б.

<sup>5</sup> Саримсоқов Б. Эпик жанрлар диффузияси / Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари. – Тошкент: Фан. 1997.

<sup>6</sup> Жўраев М. Фольклоршунослик асослари. Ўқув қўлланма – Тошкент. 2008. – 192 б.

<sup>7</sup> Жўраев М. Ўзбек халқ самовий афсоналарининг тарихий асослари: Филол., фан. д-ри, дис. – Тошкент: 1996.

<sup>8</sup> Жўраев М., Нарзиқулова М. Миф, фольклор ва адабиёт. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси. 2006. — 184 б.

<sup>9</sup> Турдимов Ш. Поэтические символы в узбекских народных лирических песнях: автореф. дисс... канд. филол.наук. – Т.: 1987.

<sup>10</sup> Турдимов Ш. “Гўрўғли” достонларининг генезиси ва тадрижий босқичлари. – Тошкент: Фан. 2011. — 240 б.

<sup>11</sup> Эшонқулов Ж.С. Ўзбек фольклорида дев образининг мифологик асослари: Ф.ф.н. дисс. –Тошкент: 1996.

<sup>12</sup> Эшонқулов Ж.С. Ўзбек фольклорида туш ва унинг бадиий талқини: Филол. фанлари докт. дисс. автореф. Тошкент: 2010.

<sup>13</sup> Абдурахмонов А. Туркий халқлар оғзаки ижоди. –Т.: 2004. – 420 б.

<sup>14</sup> Имомов К., Мирзаев Т., Саримсоқов Б., Сафаров О. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. - Т.: Ўқитувчи, 1990. – Б. 43-56.

<sup>15</sup> Сирожиддинов Ш. Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили. – Т: Akademnashr, 2011. – 326 б.



мутафаккирларнинг фалсафий-бадий фикр таракқиётида тутган ўрни<sup>1</sup>, М.Муҳиддиновнинг XVIII асрда ХХР СУАР ҳудудида ижод қилган Ғарибийнинг “Шоҳ Баҳром ва Дилором” асари<sup>2</sup>, Ҳ.Солиҳованинг Алишер Навоийнинг Шинжон ҳудудидаги издошлари<sup>3</sup>, Д.Рўзиеванинг Алишер Навоий традициялари Абдурахим Низорий ижодида<sup>4</sup>, Д.Райҳоновнинг Алишер Навоийнинг уйғурлар адабий ҳаётидаги ўрни<sup>5</sup> мавзулари ўрганилишига бағишланган илмий асарлари майдонга келди.

2. Яқин йилларда хитой фольклори<sup>6</sup>, ХХР СУАР ҳудуди XVI–XIX асрлар адабиётига<sup>7</sup> доир Хитой адабиётшунослари томонидан маълум тадқиқот ишлари амалга ошди.

3. Кейинги йилларда ўзбек адабиётшунослигида дао таълимоти ва хитой адабиёти<sup>8</sup>, хитой фольклори жанрлари, хитой афсона ва эртақларига оид ишлар яратилди.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Самарқанд давлат университети илмий тадқиқот ишлари режасининг 2016-2020 йилларга мўлжалланган «Алишер Навоий ижоди ва адабий таъсир масалалари» мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** бир неча минг йиллик тарихга эга бўлган ўзбек-хитой тарихий алоқалари фонида икки халқ адабий қарашларидаги муштараклик, умумий ва фарқли жиҳатлар, адабий генезис, поэтик онтология ва эволюция билан боғлиқ изланиш олиб боришдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

- Ўзбек-хитой адабий алоқаларининг генезисини аниқлаш;
- икки халқ адабий алоқаларининг тизимли ва хронологик тарздаги ривожланиш жараёнини таҳлил қилиш;

<sup>1</sup> Сирожиддинов Ш. Бағрикенглик – динларнинг маърифий асоси. –Т.: -2010. – 127 б.

<sup>2</sup> Муҳиддинов М. “Ғарибийнинг шоҳ Баҳром ва Дилором” достони. Кириш сўз. Ғарибий. Шоҳ Баҳром ва Дилором. Ўзбекистон Республикаси ФА “Фан” нашриёти, 2008. – 150 б.

<sup>3</sup> Солиҳова Ҳ. Алишер Навоий издошлари. М. Бобур номидаги Андижон Давлат ун-ти. - Т.: Гафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйи, 2005. - 192 б.

<sup>4</sup> Рўзиева Д. Рўзиева Д. Алишер Навоий традициялари Абдурахим Низорий ижодида. Номз. дисс. қўлёзма. ЎзФА асосий кутубхонаси. РД 3572.

<sup>5</sup> Райханов Д. Интерпретация произведений Алишера Навои уйғурскими классиками XVIII-XIX веков. // Известия Национальной АН РК. 2009. — С. 23-54

<sup>6</sup> 《中国古代神话与传说》作者：潜明兹 中国国际广播出版社 1996-12, 《中国古代神话故事大全》王存商务印书馆; 第1版1996-12, 《最经典的中国神话故事》作者：丁满 地震出版社 2010-06, 中国古代神话故事》作者：钱理群 天津教育出版社出版 2011-11, 数据中国古代神话研究/程憬著(北京大学出版社, 2011.1, (文学史研究丛书) ISBN 978-7-301-18421-9)

<sup>7</sup> ئۇيغۇر كلاسسىك ئەدەبىياتىدىن مىساللار. - ئۈرۈمچى 1981-يىلى. راجاپ يۈسۈپ. زالىلى ۋە ئۇنىڭ ئىجادىي مىراسى. شىنجاڭ ئۇنۋېرسىتېتى ژۇرنىلى. 1983. ئەسقەر ھۈسەيىن. ئۇيغۇر كلاسسىك ئەدەبىياتىنىڭ تېزىسى. بېيجىڭ نەشرىياتى. 1985. شارافىددىن تۆمەر. ئۇيغۇر ئەدەبىياتى قامۇسى. شىنجاڭ ئۇنۋېرسىتېتى نەشرىياتى. 1-5-توم 1996. ئۇيغۇر ئەدەبىياتىنىڭ تارىخى. ئوزود سۇلتان تەرەپىدىن تەييارلانغان. بېيجىڭ نەشرىياتى. 1-3-توم. 2006.

<sup>8</sup> Мусурманов Э., Раҳматуллаев Н. Хитой адабиёти ва “Дао-Дэ-Жинг”. Рисола. – Самарқанд: СамДУ, 2016. – 144 б.

- мифологик сюжет-образларнинг яралиш жойи, кўчиш географияси харитасини, ҳудудий-диний ўзгаришларнинг бадиий тимсолларда акс этиш жараёнини аниқлаш;

- сюжет-персонажларнинг дастлабки ҳолатидан бадиий такомиллашиб бориш жараёнида ўзгаришга юз тутиши ёки бир халқ адабиётидан бошқа халқ адабиётига кўчиши, ўзгарган ҳолда ортига қайтиш ёки эволюцион ва ҳудудий ҳаракатни давом этиб, учинчи халқ фольклоридан жой олиш ҳодисасини ўрганиш;

- диний ва етакчи фалсафий оқимларнинг адабиёт мазмун-моҳиятига, образлар силсиласи, шакли ва қаҳрамонлар фаолиятига таъсири масаласини аниқлаш;

- ўзбек-хитой халқлари адабиётларида шарқ мумтоз адабий анъаналарининг ўзаро тарихий-маданий алоқалардаги инъикоси, эпик ва лирик жанрлардаги умумий ва ўзига хос миллий жиҳатлар, “Хамса” достонлари ва шеърӣ тимсолларининг бир адабиётдан иккинчи адабиётга кўчиш жараёни, Алишер Навоӣ каби ўзбек адибларининг Шинжон адабий муҳитига таъсирини очиб бериш билан тадқиқотга яқун ясаш.

**Тадқиқотнинг объектини** Хитой-ўзбек адабий алоқалари тарихига тааллуқли бўлган амалдаги манба-материаллар: қадимги мифлар, буддавийлик, монӣлик, тенгрилик, зардуштийлик динлари тушунчалари, анимистик ва тотемистик қарашлар акс этган матнлар, конгфутзийлик, дао каби фалсафий оқимларнинг асосий манбалари; Туркистон ва Ёркенд хонлиги адабий муҳити алоқалари, Алишер Навоӣ, Раҳимбобо Машраб ва уларнинг таъсирида XVI–XIX асрларда Шимолий-Ғарбий Хитойда яратилган асарлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг предметини** эр.ол. даврлардан XIX асргача бўлган қадимги хитой адабиётининг мумтоз намуналари ва ўзбек-туркий адабиётга тааллуқли манбаларни ўзаро қиёслаш жараёнида уларнинг генезисини аниқлаш ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация тадқиқоти жараёнида илмӣ, қиёсий-типологик, тарихий-қиёсий усулдан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмӣ янгилиги** қуйидагилардан иборат:

дастлабки адабий намуналар диний-адабий матнлар, қадимги тошбитиклардаги маълумотлар, халқ оғзаки ижодининг қадимги жанрлари ёрдамида ўзбек-хитой адабий қарашларининг генезиси тамойиллари очиб берилган;

олам ва одамнинг яратилиши, худолар, ярим худолар ва фаришталар мақомидаги маъбудлар ўртасидаги муносабатлар, анимистик, тотемистик қарашлар, уларнинг ўзига хос хусусиятлари, шунингдек, ҳар икки халқ фольклори тизимидаги ўринлари далилланган;

буддавийлик, монӣлик, тенгрилик динлари мифологик тушунчалари акс этган асарлар, конгфутзийлик, даосизм каби фалсафий оқимлар ва уларнинг адабиётга таъсири масаласи аниқланган;

ўзбек адабиётшунослигида илк марта қадимги хитой манбалари “Шужинг”, “Ижинг”, “Жуангзи”, “Шанхайжинг”, “Хуайнанзи” каби мумтоз

асарларнинг ўзига хос типологик табиати, жанрий хусусиятлари очиб берилган;

Хитой адабиётидаги рамз ва ташбиҳларнинг (Инь-Янг, беш унсур, аждарҳо) ўзбек адабиётидаги талқинлари далилланган;

Ёркенд хонлиги давридан XX аср бошларигача бўлган Хитойдаги туркий адабиёт асосан Алишер Навоий, Машраб каби ўзбек ижодкорлари асарлари таъсирида яратилганлиги асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

ўзбек-хитой адабий алоқалари генезиси ҳақида қадимги диний-адабий манбалар, халқ оғзаки ижоди намуналари асосида илк марта маълум хулосаларга келинган;

икки халқ фольклоридаги мифологик маъбудлар, эпик қаҳрамонлар, тотем образларининг вужудга келиши ва ривожланиш ҳодисаси ўрганилган;

қадимги тошбитиклар, буддавийлик, монийлик матнлари, конгфутзилик ва дао таълимотларининг мифологик тушунчаларга таъсири масаласи таҳлил этилган;

ўзбек мумтоз асарларининг Шинжон адабий муҳитига кучли таъсир кўрсатганлиги исботланган, Шимолий-Ғарбий Хитойда XVI-XIX асрларда туркий тилда ижод қилган ўн бешдан ортиқ ижодкор ҳақида дастлабки умумлаштира маълумотлар келтирилган.

**Олинган натижаларининг ишончлилиги** тадқиқот юзасидан чиқарилган хулосаларнинг ўрганилаётган давр тарихий-бадий воқелиги илмий кузатувнинг тарихий-қиёсий, қиёсий-типологик ва матн таҳлили методлар билан асосланганлиги, муаммонинг аниқ қўйилганлиги, ўзбек – хитой адабий алоқалар генезисини ўрганишда мавзуга оид, икки халқ адабиёти учун муштарак жиҳатларни ёритувчи фольклор ва ёзма манбалар, тарихий ва бадий асарлардаги назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг жаҳон адабиётшунослиги ва фольклоршунослигининг энг янги илмий концепциялари асосида ўрганилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Диссертация натижа ва материалларидан ўзбек-хитой халқлари адабий алоқалари, диний-фалсафий тушунчалари, хусусан, қадимги халқ оғзаки ижодида мавжуд ўхшаш сюжетлар, маъбудлар, фаришталар ва тотем жонивор образларининг вужудга келиши ва эволюцияси, ўзбек мумтоз адабиётининг Шимолий-Ғарбий Хитой худудидаги адабий жараёнларга кўрсатган ижобий таъсирига оид янгиликлардан “Ўзбек адабиёти тарихи”, “Жаҳон адабиёти”, “Ўзбек халқ оғзаки ижоди”, “Ўзбек мифологияси” йўналишида дарслик ва қўлланмалар ёзишда, луғатлар тузишда, амалий ва семинар машғулотларини ўтишда фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбек-хитой тарихий алоқалари фониди икки халқ адабий қарашларидаги генезис ва муштараклик билан боғлиқ изланиш олиб бориш асосида:

ўзбек-хитой халқлари адабий алоқалари тарихидаги қадимги туркий ва хитой манбаларида, Конгфутзи таълимоти ва Алишер Навоий асарларида

комил инсон ғоясига оид мулоҳазалардан 5.1.17-рақамли “Шарқ мумтоз адабиётида комил инсон концепцияси” мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 7 октябрь 89-03-3772-сон маълумотномаси). Натижада ўзбек-хитой тарихий алоқаларининг умумий ва фарқли жиҳатлари, адабий генезис, поэтик онтология ва эволюция билан боғлиқ маълумотлар мукамаллашган;

Алишер Навоий ва Раҳимбобо Машраб анъаналарининг Ёркенд хонлиги адабиёт вакиллари ижодий тақомилига кўрсатган таъсири, форс-тожик эпик адабиёти қаҳрамонларининг Цин империяси даври адабиётидаги талқинларига оид хулосалардан ОТ-Ф8-027-рақамли “Қўлёзма манбаларнинг миллий маънавий ва адабий мерос тарғиботидаги аҳамияти” мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 7 октябрь 89-03-3772-сон маълумотномаси). Натижада Хитойдаги туркий адабиёт асосан Алишер Навоий, Машраб каби ўзбек ижодкорлари асарлари таъсирида яратилганлигини аниқлашга хизмат қилган;

Хитой мумтоз асари “Беш китоб” (“У жинг”) ва ажам мумтоз адабиёти “Хамса” анъанасининг майдонга келиши, темурийлар даврида яратилган “Хамса”ларнинг Мин сулоласи даври адабиёти билан боғлиқ жиҳатлари, Хитой ҳудудида Хамса туркумидаги “Ҳайрат ул-аброр”, “Фарход ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Садди Искандарий” каби янги талқинлардаги дostonларнинг майдонга келишига оид хулосалардан ОТ-Ф1-138 рақамли «Темурийлар даврида яратилган “Хамса”ларнинг компаративистик тадқиқи» мавзусидаги фундаментал лойиҳа устида изланишлар олиб борилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 27 август 89-03-2976-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижалари темурийлар даврида яратилган “Хамса”ларнинг Мин сулоласи даври адабиёти билан боғлиқ жиҳатларини мукамаллаштирган;

тадқиқот натижалари асосида “Ўзбекча-хитойча қисқача луғат” (ISBN\_978-9943-976-51-1) ва “Инглизча-хитойча-ўзбекча суратли луғат” (ISBN\_978-9943-976-50-4) каби луғатлар яратилган. Ушбу луғатлар ўзбек-хитой адабий ва коммуникатив алоқаларини яқиндан тушунишга ёрдам берган;

Хитой ва ўзбек адабиёти генезисига оид мулоҳазалар билан таништириш мақсадида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Самарқанд вилоят ҳудудий бўлинмаси қошидаги “Садоқат” ижодий тўғараги ёш ижодкорларига маърузалар қилинган (Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг 2019 йил 4 октябрь №01-03-12/1054 рақамли маълумотномаси ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Самарқанд вилоят бўлимининг 2019 йил 22 апрель маълумотномаси). Натижада ижодий тўғарак машғулотларининг илмий-оммабоплиги таъминлаган ва янги манбалар билан бойиган;

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “Ўзбекистон тарихи” каналида “Ўзбек-Хитой адабий алоқалари генезиси” мавзусидаги кўрсатувда икки халқ адабиётида мавжуд бўлган умумий жиҳатлар илдизлари ва эврилишлари бир неча минг йиллар фонида янги маълумотлар асосида ёритилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2019 йил 11

ноябрдаги 02-40 – 2357 рақамли маълумотномаси). Тадқиқотдаги маълумотлар миллий-маънавий меросни тарғиб қилишга қаратилган кўрсатувлар сценарийсини бойитишга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида қилинган маърузаларда ва халқаро сайтларда жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 28 та илмий мақола нашр этилган, жумладан, 2 та монография, 1 та рисола (хаммуаллифликда), 2 та услубий қўлланма, 2 та луғат, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, шулардан хорижий журналларда 3 та мақола чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўрт боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 263 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Ўзбек-хитой фольклори генезиси: муштараклик ва ўзига хослик**» деб номланиб, уч бўлимдан иборат. Биринчи бўлим «**Ўзбек-хитой адабий алоқаларининг тарихий илдизлари**» тадқиқига бағишланган. Унда ўзбек ва хитой халқлари тарихий-адабий алоқалари асосан Хан (漢朝, Hàncáo, эр. ол. 206— эр. 220 йй.) ва Танг (唐朝, táng cháo, 618-907 йй.) сулолалари даври пилигримларининг юртимизга ташрифидан кейин бошланганлиги ва уларнинг тарихий-адабий алоқалардаги роли ҳақида сўз юритилади. Хан императори У-ди (漢武帝, hàn wǔdì, эр.ол. 156 — эр.ол. 87 йй.) хунлар яшайдиган ўлкалар ҳақида маълумот йиғиш, усин, юэчжи каби эллар билан алоқа ўрнатиш учун эр.ол. 138 йили дипломат ва сайёҳ Чжанг Тянь (张骞, Zhāng Qiān, эр.ол. 164 — 113 йй.) ни юз киши ҳамроҳлигида қадим Туронга юборади ва шу билан кейинчалик Европада Буюк Ипак йўли номини олган йўналишга асос солади. Чжанг Тяндан кейин хитойликларнинг юртимизга қилган муҳим ташрифлардан бири Танг даври алломаси, будда роҳиб, пилигрим-дарвеш Сюанзанг (玄奘, Xuánzàng, 602 — 664) нинг саёхати бўлди.

Юртимизнинг қадим алломалари Хиндистон, Хитой каби ўлкаларда ҳам машҳур бўлишган. Жумладан, устоз-аллома, таржимон ва роҳиб, айниқса, ёрқин буддавийлик фаолияти билан танилган Кан Сэн Хуэй (康僧会, Kāng Sēng Huì, ? – 280 й.) Хитойда юксак ҳурматга эришган.

Қадимги ўзбек-туркий фольклорда олам ва одамнинг яралиши билан боғлиқ мифлар кўп жиҳати билан шу мавзу ва мазмундаги хитой мифлари билан жуда ўхшаш, хитой фольклори намунаси сирасида келтирилаётган айрим асотирлар қадимги туркий мифологияда ҳам учрайди, бу ҳолат уларнинг бир генезисга эгаллигини англатади. Бундай мифлар сирасига, айниқса, космогоник, тақвимий, қаҳрамонлик, астрал, ҳайвон ва махлуклар ҳақидаги асотирлар мансуб. Хитой билан туркий фольклор ва адабиётшунослигида алоҳида – алоҳида махсус, тадқиқотлар даражасида ўрганилган маъбудларга Пангу<sup>1</sup> ва Тенгри<sup>2</sup>, Нуйва<sup>3</sup> ва Умай (Хумай)<sup>4</sup>, Ғарб маликаси Си Вангму<sup>5</sup> ва Эрлик<sup>6</sup> кабилар мансуб бўлиб, улар шу вақтгача ўзаро қиёсий нуқтаи назардан ўрганилмаган эди. Бу каби сабаблар оқибатида қадимги ўзбек мифологик образ ва сюжетлар генезиси даврийлигига путур

---

<sup>1</sup>Юань Кэ. Мифы древнего Китая. М., 1987.; Юань Кэ. Чжунго шэньхуа чуаньшо цыдянь (Словарь китайских мифов и преданий). Шанхай, 1985, –С.358 – 359; Гань Бао. Записки о поисках духов (Соу шэнь цзи) / Пер. Л.Н.Меньшикова. СПб., 1994, –С. 321 – 324.; Бодде Д. Мифы древнего Китая // Мифологии древнего мира. М., 1977, –С.379 – 382; Яншина Э.М. Формирование и развитие древнекитайской мифологии. М., 1984, указ.; Eberhard W. Lokalkulturen im alten China. Т. 1. Leiden, 1942. Т. 2. Peking, 1942, S. 472; Granet M. Danses et légendes de la Chine ancienne. P., 1926, - p. 540.

<sup>2</sup>Аюпов Н.Г. Тенгрианство как религиозная система / автореферат дис. ... кандидата философских наук : Алматы: АГУ имени Абая, 1996. –С. 30; Аюпов Н.Г. Тенгрианство как открытое мировоззрение. Монография. — Алматы: КазНПУ имени Абая: Издательство «КИЕ», 2012. –С.256.; Mehmet Eröz. Eski Türk dini (gök tanrı inancı) ve Alevilik-Bektaşilik. Türk Dünyası Araştırmaları Vakfı, 1992 . 160; Тэнгри // Энциклопедический словарь Брокгауза и Ефрона : в 86 т. (82 т. и 4 доп.). — СПб., 1890—1907. С.Г. Кляшторный. Древнетюркские племенные союзы и государства Великой Степи. // С.Г. Кляшторный, Д.Г. Савинов. Степные империи Евразии. СПб: Фарн. 1994. С. 8-91. [Электрон ресурс]: URL <http://kronk.spb.ru/library/klashtorny-savinov-1994-16.htm> (муружаат вақти: 20. 11. 2018);

<sup>3</sup>Блюмхен С.И. Три сюжета о Нюйва: новая гипотеза. // Китай и окрестности: мифология, фольклор, литература: К 75-летию академика Б.Л. Рифтина / Под ред. И.С. Смирнова; сост. Н.Р. Лидова. (Orientalia et Classica: Труды Института восточных культур и античности; вып. 25.) М.: РГГУ, 2010.; Бодде Д. Мифы древнего Китая // Мифология древнего мира. Пер. с англ. М., 1977.; Ежов В.В. «Мифы Древнего Китая», Москва 2004; Евсюков В.В. Мифология китайского неолита. Новосибирск, 1988.; Рифтин Б.Л., Мифология и развитие повествовательной прозы в Древнем Китае, — в сб. «Литература Древнего Китая», М., 1969.; Юань Кэ. Мифы древнего Китая. М., 1965.

<sup>4</sup>Бартольд В.В. Двенадцать лекций по истории турецких народов Средней Азии. Алматы: Жалын, 1993 г. С. 10; Николаева Д.А. Культ Умай в традиционной культуре бурят // Известия Российского государственного педагогического университета им. А.И. Герцена. — 2008. — Вып. 62. — ISSN 1992-6464.; Потанов Л.П. Умай — божество древних тюрков в свете этнографических данных. — Тюркологический сборник 1972. — М.: Наука, 1973. — С. 265—286.; Котов В.Г. Женское божество Умай/Хумай: сравнительная характеристика // Известия Алтайского государственного университета. — 2010. — № 4-2. — С. 111—114.

<sup>5</sup>Anne Birrell «Chinesische Mythen», Stuttgart 2002.; Suzanne E. Cahill: Transcendence & divine passion : the Queen Mother of the West in medieval China. Stanford, CA : Stanford University Press, 1993, ISBN 0-8047-2112-2; Юань Кэ. Чжунго шэньхуа чуаньшо цыдянь (Словарь китайских мифов и преданий). Шанхай, 1985, - С. 154 - 155.

<sup>6</sup>Кляшторный С.Г. Мифологические сюжеты в древнетюркских памятниках // Тюркологический сборник-1977. — М.: Наука, 1981. — С. 119–134. Бурнаков В.А. «Эрлик-хан в традиционном мировоззрении хакасов» // «Археология, этнография и антропология Евразии» №1 (45), 2011 г.; Борисенко А.Ю., Худяков Ю.С. Манихейство в восточном Туркестане в эпоху раннего Средневековья // Сибирь на перекрестке мировых религий: мат-лы Второй межрегион. конф. – Новосибирск: Изд-во Новосиб. гос. ун-та, 2005. -С. 120–124.

етган, аслиятни англашда кемтиклик юз берган. Бўлимда бу масалалар ечими ва уларнинг муштарак жиҳатлари ҳақида сўз юритилган.

Қадимги хитой пилигримлари, аллома-сайёҳларининг бизнинг юртга ташриф буюришлари, икки юрт заминида юзага келган сулолалар ва уларнинг халқлар маданий-маънавий алоқаларига ўзбек ва хитой халқлари қадимги адабиётига, жумладан, мифологиясига жиддий таъсир кўрсатган. Икки халқ маданияти, маънавияти, санъат ва адабиётига генезис<sup>1</sup> бўлган дастлабки тушунча ва тасаввурларни майдонга келтирган.

Бобнинг **“Маъбудлар пантеони: тасниф, муштараклик ва ўзига хослик”** деб номланувчи иккинчи бўлимида ўзбек-хитой адабий алоқалари генезисининг бошида энг қадимги фольклор материаллари, мифлар турганлиги, асотирлардаги уйғун жиҳатлар айнан икки халқ адабиёти илдизлари озиқланган замин, бирламчи ва қадимги манбаларни аниқлаш имконини берганлигига оид мулоҳазалар билдирилган. Бунда мазкур жиҳатлар ёритилган қатор тадқиқотлар ўрганилган<sup>2</sup>.

Бирламчи материя-дунёвий тухумнинг, коинот ва борликнинг яратилиши, бош маъбудлар Пангу ва Тенгри, Нуйва, Кунботар бекаси Си Вангму ва Умай, турли даражадаги худолар силсиласи, аждарҳо ва бўри, шунингдек, мерган Йи ва Алпомиш каби хитой-ўзбек мифологик персонажларнинг илдизи, генезиси қиёсий ўрганилган.

Ўзбек-хитой мифологияси худолар пантеонининг энг йирик маъбудлари кўп умумий ўхшашликларга эга (1-жадвал):

**1-жадвал. Бош маъбудлар пантеонидаги муштараклик**

Бош худолар	Аёл худолар	Нариги дунё худолари	
олий дунё	ўрта дунё	тубан дунё	кахрамонга совға
Тенгри	Умай	Эрлик	ўзга оламларни кезиш хусусияти
Пангу	Нуйва	Си Вангму	мангулик унсури

<sup>1</sup>Генезис ( лот. genesis; юнон. Γένεσις, Γένεση )— яралиш, вужудга келиш, туғилиш.

<sup>2</sup> Гуревич И.С. Космогонические представления и пережитки тотемического культа у населения Оленекского района // Советская этнография. – М., 1948. № 3.–С.128-131; *Кляшторный С.Г.* Памятники древнетюркской письменности и этнокультурная история Центральной Азии. – СПб.: Наука. 2006; *Kalafat Y.* Doğu Anadolu’da Eski Türk İnanclarının izleri. – Ankara: AKM. 1999; *Ögel B.* Türk mitolojisi. Cild-III. – İstanbul: TTKV. 1971; *İnan A.* Tarihte ve Bugün Şamanizm.–Ankara: TTKV. 1972; *Саримсоқов Б.* Эпик жанрлар диффузияси / Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари. – Тошкент: Фан. 1997. – Б.97-148; *Турдимов Ш.* “Тўрўгли” дostonларининг генезиси ва тадрижий босқичлари. – Тошкент: Фан. 2011; *Раҳмонов Н.А.* Рухиятдаги нур муроди.–Тошкент: А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. 2002; *Жўраев М.* Ўзбек халқ самовий афсоналарининг тарихий асослари: Филол., фан., д-ри, дис. – Тошкент: 1996; *Жўраев М., Нарзиқулова М.* Миф, фольклор ва адабиёт. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси. 2006; *Маҳмудов Н.* Ўзбек тили – халқ руҳининг кўзгуси. «Соглом авлод учун» журнали, 2016 йил 9-сон. [Электрон ресурс]: URL <https://ziyouz.uz/subhatlar/nizomiddin-mahmudov-ozbek-tili-xalq-ruhining-kozgusi/> (мурожаат вақти: 12. 03. 2018); *Мусақулов А.* Ўзбек халқ лирикаси. – Тошкент: Фан. 2010; *Мусурманов Э.Р., Ма Цун Линг* (马翠玲, 国家公派汉语教师). Хитой фольклори (афсона ва эртаклар): ўқув-услугий кўлланма. – Самарқанд: 2014; *Мусурмонов Э.* Эртак ва ҳақиқат қоришган адабиёт.5/2014.// Шарқ Юлдузи. Б.129-134.; *Ақромов Ф.* Миф ва ёзма адабиёт муносабатига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. 1996, № 2, 4, 5, 6-сонлари; *Эшонқулов Ж.С.* Ўзбек эпик асарларида “ўзга” дунё тушунчаси // Ўзбек тили ва адабиёти. 1996, № 2. – Б. 33-36.

Бўлимда бош худолар - хитой мифологиясидаги Пангу ва туркий асотирларидаги Тенгри образларининг дастлаб улкан тухумнинг ичида пайдо бўлганлари, болта ёрдамида ташқарига чиққанлари, осмон ва ерни яратишлари, Пангунинг ит, Тенгрининг бўри қиёфасига кириб инсон-қизга уйланиш ва зурриёт қолдиришлари каби ўхшаш сюжетлар таққосланган.

Қадим ўзбек-хитой мифологиясидаги маъбудлар образлари миллий ўзига хослик, халқ менталитети ва турли тарихий-ижтимоий факторлар натижасида дастлабки ибтидоий тасаввурлардаги ҳолатидан ўзгаришларга юз тутган ва параллель ҳолда айрим кўринишлардаги эволюцион жараёни бошидан кечирганлигига қарамай генезиси бир эканлиги ҳақидаги фикрлар билан ўртоқлашилган.

Бўлимда бўри, аждарҳо-илон тотемлари талқинлари шумер, ўтмиш ўзбек ва хитой мифологиясидаги учлик орасидаги халқасимон эврилишлар натижасида уч мутаносиб қаҳрамон – Гилгамиш, Афросиёб, мерган Йи ва уч маъбуд - Утнапишти, Анахита, Си Вангму образларига туташиш жараёни кузатилади. Ҳар уч қаҳрамон мангуликка эришиши учун худоларга юзланадилар. Бунинг жадвалдаги кўриниши қуйидагича акс этган (2-жадвал):

**2-жадвал. Эпик қаҳрамонлар фаолиятидаги ўхшашлик**

Эпик қаҳрамонлар	Излаган ҳаёт унсури	Ҳаёт унсури манзили	Унсур сўралган маъбуд
шумер Гилгамиш	Ҳаёт гули	океан	маъбуд Утнапишти
ўзбек Афросиёб	Хварно	денгиз	маъбуда Анахита
хитой Мерган Йи	Ҳаёт суви	<u>Кунлун</u> тоғи	маъбуда Си Вангму

Пангу-итнинг ва осмонни ямаган маъбуда Нуйва тошларининг беш рангда бўлиши хитой мифологиясида оламдаги беш бош унсур: *темир, сув, олов, тупроқ ва ёғочни* англатади. Беш унсур асоси кейинчалик хитой адабиётида “бешлик” туркум асарларининг яралишига сабаб бўлганлиги, Конгфутзи бошлаб берган “Беш китоб” («Ужинг») анъанаси буюк беш роман шаклида кўриниш олганлигига оид мулоҳазалар билдирилган. Бу ҳодисанинг Низомий Ганжавий бошлаб берган ва Алишер Навоий томонидан “Хитой мамлакати” тушунчалари билан янада бойитилган “Хамса” анъанаси билан алоқасига оид фикрлар билан ўртоқлашилган.

Биринчи бобнинг **“Тотемистик қарашлар мутаносиблиги”** деб номланувчи учинчи бўлимида мифологик тотемларнинг бадий талқинлари ҳақида сўз юритилиб, биринчи ўринда бўри ва аждарҳо образлари эътиборга олинган. Зеро, бу тушунчалар қадимги элларнинг мифологик аждодлари, ҳомийлик ва куч-қудрат тимсоллари сифатида талқин қилинган.

Ўзбек мифларидаги аждарҳо тимсоли кўп жиҳатлари билан хитой аждарҳоси – лонгни ёдга солади. Хитой манбаларида хунлар байроқларида аждарҳо акси туширилганлиги қайд қилинган. Дарҳақиқат, хунлар мол терисидан аждар қиёфасини ясашиб, уни турли рангларга бўяшган ва туғларига ўрнатишган. Аждарҳонинг бу жиҳатларига, “Авесто”да, ўзбек эртақларидаги ўзига хос тарздаги талқинларига муносабат билдирилган.



“XI асрнинг мутафаккири Маҳмуд Қашқарий ўзининг “Девону луғот ат-турк” асарида “бароқ” сўзини изоҳлаб, куйидагиларни ёзади: “*бароқ* - сержун ит. Туркий халқлар эътиқодига кўра, бургут қариганда иккита тухум кўяр эмиш. Тухумларнинг биридан ўша бароқ отли кучук пайдо бўлар эмиш. Итларнинг энг тез югурадигани ва овни қаттиқ сақлайдигани шу бароқ итдир. Иккинчи тухумдан жўжаси чиқар эмиш”<sup>1</sup>. Демак, қадимги туркийларнинг мифологик эътиқодларига кўра, “*бароқ*” сўзи ғайриоддий равишда пайдо бўладиган, яъни бургут тухумидан чиққан афсонавий ит номидир”<sup>2</sup>.

Ит бароқ тушунчаси ўзбеклар орасида XVII асрда ҳам бор бўлган. Абулғозий Баҳодирхон “Шажараи тарокима” асарида Хитой тарафда шундай подшо бўлганлигини ва Ўғузхон унга қарши уруш очганлигини келтиради<sup>3</sup>.

Хитой ва туркий фольклорнинг ушбу намуналари ўртасидаги ўхшашликни куйидаги кўринишда тасвирлашимиз мумкин:

Хитой мифологиясида:

ТУХУМ – ХУДО (Пангу) – ИТ – ИНСОН.

Туркий мифологияда:

ТУХУМ – ХУДО (Тенгри) – БЎРИ – ИНСОН.

Тарихчи Ван Чун келтиришича («Лонг хэн», «Танкидий талқинлар», I аср), унга замондош рассомлар чизган лонглар от бошли, илон куйрукли бўлишган. Лонгнинг от бошли қиёфага айланишида, фикримизча, маълум бир тарихий жараёнлар, жумладан, учқур отларнинг Ўрта Осиёдан Хитойга кириб келиш даври билан боғлиқ бўлиши мумкин. Ўзбеклар орасида сувда яшайдиган ғаройиб от ҳақидаги тушунчалар қадимги даврлардан мавжуд бўлган. Жумладан, “Гўрўғлининг туғилиши” достонида Гўрўғлининг жанговар ва содиқ оти Гиротнинг аждоди сув тулпори эди<sup>4</sup>.

Қадимги Ўрта Осиё халқлари орасида от тотем сифатида улуғланган. От тотеми бўри тотеми каби уруғ аждоди деб эмас, балки қутлуғ ҳайвон сифатида билинган. От инсоннинг йўлдоши, мавқе жиҳатидан одамга яқин, одам билан бир кунда яралган деб тушунилган.

Фольклоршунос олим проф. Ш.Турдимов келтиришича: “Гўрўғли” достони Кўрғон версиясининг Пўлкан шоир вариантыда Гўрўғли Кўҳи Қофга боришда Самандар девга учраши вақтида Гиротни “менинг худом” деб таништиради. Отни “Худо”–тотем сифатида англаш ишончи туркий халқларда кенг тарқалган... От қуёш маъбудининг рамзи ҳисобланган. Кейинчалик эса қуёш тенгрисига қурбонликка айланган”<sup>5</sup>.

Аждар – от образининг пайдо бўлиш жараёни маълум тарихга эга. Кушон даври учун ... гибрид махлуқ от-илон, айғир-аждарҳо образлари анъанавийлик касб этган<sup>6</sup>. Тушунчаларга кўра, сув остида, денгиз ёки кўл тубида яшовчи отлар маълум бир вақтда сувдан қирғоққа чиқиб ўтлашади.

<sup>1</sup>Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк. 1-том. - Тошкент, 1960, – Б.359.

<sup>2</sup>Жўраев М. Фольклоршунослик асослари. Ўқув кўлланма – Тошкент. 2008, – Б.15.

<sup>3</sup>Абулғозий Баҳодирхон. Шажараи тарокима. Нашрга тайёрловчи: тарих фанлари доктори, Халқаро Маҳмуд Кошғарий муқофоти совриндори Қозоқбой Маҳмудов, 1995 й. –Б.7-8.

<sup>4</sup>Қаранг: Гўрўғлининг туғилиши. Т. - 1967. – Б.52.

<sup>5</sup>Турдимов Ш. “Гўрўғли” дostonларининг генезиси ва тадрижий босқичлари. Т.: Фан, 2011. – Б.117.

<sup>6</sup>Francfort I.P. Les palettes du Gandhara. — MDAFA, 1979, t. XXIII. – P. 19.

Бунинг вақтини билган уста йилқичилар байталларини соҳилга қўйиб юборишади. Агар куруклик оти сув айғиридан қочса, унда байтал қанотли тулпорни дунёга келтиради. Бунга ўхшаш тушунчалар турклар ва айниқса, бошқирларда ҳам сақланиб қолинган <sup>1</sup>.

Бундан ташқари, хитой мифологиясида қилиқлари ўзбек алвастисини ёдга соладиган, қиёфасини ўзгартира оладиган тулки-қиз, жиншайтонларнинг адабини берадиган Чжун Куй каби образлар бор.

Мазкур кузатишларимиз натижасида ўзбек – хитой халқлари энг қадимги мифологик қарашларининг майдонга келишида юз берган тарихий жараёнлар, коммуникатив алоқалар сабаблари очиб берилган;

Оламнинг яралишига оид дастлабки бадий тушунчалар, илоҳий - тотем образлар талқинларида кўплаб муштарак жиҳатлар борлиги ойдинлашган;

Худолар пантеони, уларнинг даража, тоифа, туркум ва фаолиятларидаги кўпгина ўхшашликлар, анимистик, тотемистик қарашлар икки халқ бадий тафаккурининг генезисида туташувчи нуқталар борлигини кўрсатди.

Тадқиқотнинг иккинчи боби **“Поэтик ғоялар уйғунлиги ва персонажлар трансформацияси”** деб номланган. Боб уч бўлимдан иборат. Унинг биринчи бўлими **“Эпик қаҳрамонлар эволюцияси ва миллий эврилишлар динамикаси”** деб номланиб, унда бир генезисга, кўплаб уйғун жиҳатларга эга бўлган ўзбек эпик ботирлари билан хитой фольклори қаҳрамонлари қиёсий тадқиқ қилинади.

Олиб борган тадқиқотларимиз натижасида эпик қаҳрамонлар ўртасидаги ўхшашликлар нафақат қардош халқлар фольклорида, балки кўшни бўлган хитой халқ эпослари персонажлари орасида ҳам мавжуд эканлиги маълум бўлди. Ўзбек-туркий эпик қаҳрамонларига, айниқса, “хитой Ҳеракли” номини олган осмон мергани Хоу Йи кўп жиҳати билан ўхшашдир.

Ердаги барча мавжудотнинг тирик қолиши учун мерган Йи ўн қуёшдан тўққизини уриб тушириб, осмон императорининг қаҳрига учради. Тўққиз ўғлини йўқотган кўк императори мерган Хоу Йи ва унинг хотини Чанэга само салтанатига қайтиб кўтарилишга рухсат бермабди ва абадий умрларини оддий одамларники каби ўткинчи қилиб қўйибди. Ўлимдан кўрққан Чанэ эридан Ғарб маъбудаси Си Вангмудан тириклик сувини сўраб олишни илтимос қилибди.

Мерган катта машаққатлар эвазига мангулик сувини қўлга киритади.

Бу асотир асли туркий генезисга эга бўлганлиги ҳақиқатга яқин. Бурят ва мўғул халқларида бу сюжетнинг янада архаик варианты сақланиб қолган<sup>2</sup>.

Мерган Йи ва Пан Мэн, “Моҳобҳорат”даги Аржун ва Экалавья, “Алпомиш” достонидаги Алпомиш ва Шакаман мерган билан боғлиқ воқеалар ўзаро уйғундир. Бунда устоз ва шогирдлик муносабатларидан

<sup>1</sup> Наурызбаева З. Мифологический образ морской лошади и имя батыра Суйингара. [Электрон ресурс]: URL Сайт о казахской культуре, музыке и мифологии. 04.04. 2012. <http://otuken.kz/> мифологический-образ-морской-лошади// (муружаат санаси: 11.03.2019)

<sup>2</sup> Қаранг: Неклюдов С.Ю. На земле, в небесах и на море: заметки о «семантических пространствах» мифа. [Электронный ресурс]: URL // Фольклор и постфольклор: структура, типология, семиотика <http://www.ruthenia.ru/folklore/neckludov50.htm>. (дата обращения: 16.11.2018)

ташқари эзгулик ва ёвузлик, дўстлик ва душманлик ёки бошқача қилиб айтганда, Инь ва Янг муносабатлари ўз аксини топган.

“Моҳобҳорат”даги Экалавья камон отиш маҳоратида аслида Аржундан ҳам ўзиб кетади. Бироқ унинг насаби “орий” бўлмаганлиги, балки “варвар” эли вакили бўлганлиги учун у асарда бош қаҳрамон сифатида кўрилмайди<sup>1</sup>, Аржуннинг эса унинг мерганлигига ғайирлиги келади.

“Алпомиш” достонидаги Шакаман мерган Пан Мэн каби хоиндир, биринчиси ғозни отиш истаги учун қўнғирот элининг йўқ бўлишига ҳам рози бўлса, кейингиси мангулик сувини қўлга киритиш учун устозига хиёнат қилади.

Хитой, ҳинд ва ўзбек фольклоридаги мерганлар муносабати жадвали шундай кўринишга эга (3-жадвал):

### 3-жадвал. Эпик қаҳрамонлар таснифи

Эзгу ва қарши кучлар	Хитой мерганлари	Ўзбек мерганлари	Ҳинд мерганлари
эзгулик-Янг вакиллари	Йи	Алпомиш	Экалавья
Инь вакиллари	Пан Мэн	Шакаман Мерган	Аржун

Мерган Йининг камондан ўқ узишидаги маҳорати кўп жиҳатдан ўзбек достони қаҳрамони Алпомишни ёдга солади. Алпомиш ёш бўлишига қарамасдан ўзида етилиб келаётган улкан куч-қудратни намоён қилади, етти ёшга етганда биринчи баҳодирлик жасоратини амалга оширади. У бобоси Алпинбийдан қолган ўн тўрт ботмон парли ёйдан ўқ узиб, Асқар тоғининг чўққисини учуриб юборади.

Йи одамларни қутурган одамхўр буқа Яюйдан, даҳшатли тўнғиз Фэнсидан, улкан бўғма илон Дафэндан қутқариш ҳодисаси қадимги “Ўғузнома” бош қаҳрамони жасоратлари билан уйғун. Бу сюжетларга қадимги шумерларнинг “Билгамиш” (“Гилгамиш”) достонидаги “Билгамишнинг осмон хўкизи билан жанги”<sup>2</sup> боби генезис вазифасини ўтагани ҳақиқатга яқин.

Иккинчи бобнинг *“Конгфутзи адабий қарашлари ва ёзма адабиётнинг вужудга келиши”* деб номланган иккинчи бўлимида илк хитой ёзма адабиётининг вужудга келиши ва Конгфутзининг адабий қарашлари ўртасидаги муносабат ҳақида сўз юритилган.

Одатда адабиётшунослар энг қадимги хитой адабиётининг солномасини «Шижинг» (“Кўшиқлар китоби”, 詩經, *Shī Jīng*) фольклор кўшиқлари тўпламидан бошлашади. Асар хитой мумтоз адабиётининг энг қадимги ёдгорлиги бўлиб, тил, мафкура, этика ва халқ анъаналари ҳақида маълумот берувчи нодир манба ҳисобланади. Унинг аҳамиятини хиндларнинг Ригведа ва зардуштийликнинг Авесто китоби билан қиёслаш мумкин. «Шижинг» конфутзилик қонунлар китоби Ужинг (Беш китоб) тўпламига кирган бўлиб,

<sup>1</sup>Кумарасвами А., Нобель М. Мифы буддизма и индуизма. Litres, 2017. – С. 230.

<sup>2</sup> Қаранг: Афанасьева В.К. Гильгамеш и Энкиду. Эпические образы в искусстве. — М.: Наука, 1979. — 219 с.

эрамиздан олдинги XI –VI асрларда ижод қилинган 305 халқ кўшиқларидан иборат<sup>1</sup>.

“Шижинг” Конгфутзи (孔子, Kǒngzǐ, эр. ол. 28.09.551-479 йй.) тахрир қилганлиги учун конгфутзилик мумтоз китоблари сирасига киритилган. Мазкур асар конгфутзилик китоблари сифатида эр. ол. 213 йили ёқиб юборилган ва эрамиздан олдинги иккинчи асрда қайта тикланган.

Конгфутзининг ўғит ва суҳбатлари асосида унинг шогирдлари “Лунюй” китобини тартиб беришган. “Лунюй бошдан-оёқ “жўмард инсон” тушунчасига бағишланган. Конгфутзининг энг муҳим категориялари – “жень”, “ли”, “вэнь” бўлиб, бир вақтнинг ўзида комил инсон ва ҳам “жўмард инсон” нинг тушунчаларидир”<sup>2</sup>.

Конгфутзилик китобларига мансуб «Сишу» (тўрт китоб) ва «Ужинг» (беш китоб) асарлари бизнинг давримизгача етиб келган энг қадимги адабий-маънавий ёдгорликлардан ҳисобланади.

Қадимги хитой мифларининг ўзига хос асосий хусусиятларидан бири улардаги мифологик персонажларнинг тарихийлаштирилиши (эвгемерацияси) бўлди. Ўзларининг назарияларига мос равишда мифларни талқин қилишга ҳаракат қилган Конгфутзи издошлари руҳларни одамларга айлантиришга, миф ва асотирлар учун рационал талқинлар топишга кўп тер тўкишди. Бу ҳолат конгфутзиликнинг идрокка асосланган дунёқараши таъсирида юз бериб, афсонавий образлар қадимиятнинг реал шахсларига айлантирилди. Мифлардаги маъбуд ва ярим худолар ҳукмдор ва императорларга, қолганлар эса амалдорлар, тўра, бойвачча ва турли кўринишдаги персонажларига, мифлар эса анъанавий тарихнинг ажралмас қисмига айланди.

Конгфутзилик билан бир даврда пайдо бўлган “даосизм” (“нарсалар йўли” таълимоти) мустақил фалсафий таълимоти хитой фольклори ва ёзма адабиётининг ривожланишида, туркий адабиётнинг бойишида муҳим аҳамият касб этди. Ривоятларга қараганда таълимотнинг асосчиси сифатида қадимги хитой донишманди, ярим афсонавий Лаоцзи (эр.ол.VI — V асрлар) қайд этилади, унга нисбат бериладиган ва гоҳида “Лаоцзи”, номи билан аталадиган “Дао дэжинг” асари хитой халқлари тафаккурининг буюк ёдгорлиги бўлиб, Ўрта Шарқ маданиятининг тараққиётига улкан ҳисса қўшди<sup>3</sup>.

**“Танг даври адабиёти ва санъатида туронликлар иштироки”** дея ном олган иккинчи бобнинг учинчи бўлимида Култегин битиктошида табғач номи билан келтирилган Хитойда ҳукмронлик қилган сулоларнинг энг қудратлиси ва йириқларидан бири сифатида тарихдан ўрин олган Танг сулоласи даври (618 — 907) адабий ҳаёти ва унинг юксалиши, бунда туркий эл ва адабиётининг ўрни ҳақида сўз юритилади.

<sup>1</sup>Қаранг: Ши цзин // Энциклопедический словарь Брокгауза и Ефрона : в 86 т. (82 т. и 4 доп.). — СПб., 1890—1907.

<sup>2</sup>Сирожиддинов Ш. Бағрикенглик – динларнинг маърифий асоси. Т.: -2010. – Б.25.

<sup>3</sup> Мусурманов Э., Раҳматуллаев Н. Хитой адабиёти ва “Дао-де-жинг”. рисола. – Самарқанд: СамДУ, 2016. – Б.15.

Танг ҳукмронлигида қатор иқтидорли шоирлар етишиб чиқдики, бу ҳолат мазкур даврни адабиётнинг “олтин асри” деб аташ ҳуқуқини берди. Ван Вей, Мен Хао-жан, Бо Цзюйи каби шоирлар хитой адабиётининг тараққиётига улкан ҳисса қўшишди. Бироқ мазкур даврда етишиб чиққан икки минг шоир орасида Ли Бай (701—762) ва унинг ўртоғи Ду Фу (712—770) алоҳида ўрин тутади.

Ли Бай Турк хоқонлигига қаровчи Тўқмоқ шаҳри яқинида бой савдогар оиласида дунёга келди. Бай ёшлик йиллари “варварлар” муҳитида тарбия топди, бу нарса унинг кўп тилларни билиши, менталитетининг шаклланиши, ўзига хос тасаввурларни идрок қилувчи шахс бўлиб етишида муҳим аҳамият касб этди<sup>1</sup>. Унинг 1100 га яқин адабий асарлари мавжуд бўлиб, уларнинг қарийб 900 таси шеърлардир.

Ли Бай шеърлятида ой доим иштирок этади. Яна бир қудратли унсур – май ҳам шоир шеърлятининг шериги. Шароб ичган шоир ой ёруғида коинот сари руҳан парвоз қилади. Бироқ, форс – тожик, ўзбек мумтоз шеърлятдаги мастлик ва майпарастлик негизида Ли Бай ёки Бо Цзюйи шеърлятидаги каби ҳолат йўқ. Умар Ҳайём рубоийларидаги “май” билан Ли Бай “май”ини бир деб бўлмади. Мусулмон Шарқи шоирлари Ли Бай каби “жонона”, “майхона”, “бода”ни ўз маъносида назарда тутишмаган, албатта. Мазкур Ажам шоирлари тасаввуф истилоҳлари билан “мажоздан мақсуд ҳақиқий ишқ” (Алишер Навоий) дея зоҳирдагина майга мурожаат қилишган, хитой мумтоз шоирлари эса майни ҳам, мастликни ҳам ўз маъносида тушунган. Умуман олганда эса қадимги туркий кундалик тушунчаларнинг мумтоз хитой шоирлари дунёқарашига ҳам таъсир қилганлигини уларнинг асарларидан билиш мумкин. Бунга Бо Цзюйи шеърляридаги туркона тушунчалар ҳам мисол бўла олади<sup>2</sup>.

Ду Фу Ли Бай билан яқин ва қалин ўртоқ бўлган. Уларнинг ҳаёт йўллари, тақдирлари ҳам кўп томондан ўхшаш. Фарғонанинг самовий отларини шеърлярида куйлаган Ду Фу - буюк реалист шоир, унинг лирикасида аниқлик ва жиддийлик устувор бўлиб, ўзида конгфутзилик руҳини акс эттиради. Бу икки улуғ шоир тақдирида келиб чиқиши самарқандлик бўлган хитой императори даражасига эришган Ань Лушан (Алп Арслон) нинг ўрни катта бўлган<sup>3</sup>.

Танг даври Ўрта Осиё ва Хитой халқларининг маданий-маънавий, адабий нуқтаи назардан яқинлашишга имкон берди. Адабий алоқалар, сюжет, қаҳрамон, тур ва жанрлар масаласида ижодий ўзлашиш жараёнлари кенг қулоч ёйди, бир негиздан ажралиб чиққан мифологик қаҳрамонларнинг миллий эволюцияси юз берди.

<sup>1</sup> *Торопцев С.А.* Жизнеописание Ли Бо. — М.: ИДВ РАН, 2009. — С.86.

<sup>2</sup> Қаранг: *Иброҳим Ҳаққул.* “Ул куёш оқ уйдаю мен...Электрон ресурс]: URL // [Ziyouz.uz](http://Ziyouz.uz). <https://ziyouz.uz/matbuot/hozirgi-davr-matbuoti/2011-sp-476264307/> (мурожаат санаси: 26.07.2020)

<sup>3</sup> Қаранг: *Мусурманов Э.* Империяни тиз чўктирган император “[Электрон ресурс]: URL // [zarnews.uz](http://zarnews.uz). <https://saviya.uz/hayot/nigoh/imperiyani-tiz-choktirgan-imperator/?imlo=k> (мурожаат санаси: 05.03.2020)

Учинчи боб “Бир генезисли сюжетларнинг миллий адабиётлардаги спираль ҳаракати”, унинг биринчи бўлими “Хитой-ўзбек адабиётида “Бешлик” анъанаси” деб номланган.

Бўлимда хитой ва ўзбек мифларини қиёслаш жараёнида беш рақами билан боғлиқ нумерологик соқрал тушунчалар ўрганилди, таҳлилга тортилди.

Олам яралишининг ва асосининг дастлабки беш элементи, конгфутзиликнинг беш китоби ва қоидаси, Нуйванинг осмонни ямайдиған беш тош эритмаси, беш тусли Пангу ити, беш ўзакнинг доимий ҳаракатда ва муносабатда бўлгани (1-расм): сув – дарахтни, ёғоч – оловни, ўт – тупроқни, ер – металлни, темир – сувни пайдо қилиши ва аксинча, сув оловни ўчириши, олов металлни эритиши, металл дарахтни емириши, тупроқ сувни кўмиши



1-расм. Беш унсур ва уларнинг муносабатлари

заминида халқнинг беш рақами билан боғлиқ маълум фалсафий мифологик қарашлари ва уларнинг адабиётда, жумладан, беш буюк Хитой романидаги инъикоси, Яқин Шарқ фольклоридаги “беш бармоқ” мазмунидаги “хамса” тушунчаси ва ёзма адабиётдаги анъананинг вужудга келишига оид фикрлар билдирилган.

Қадимги Хитойда вужудга келган “Бешлик” фалсафий-адабий тушунчаси конгфутзилик таълимотида, кейинчалик беш мумтоз роман моҳиятида маълум маънода акс этган. Хитой адабиёти тарихида буюк романлар сирасида одатда бешта роман келтирилади: «Уч хонлик» (三国演义, Sānguó yǎnyì, XIV аср), «Ўзан ороллари» (水浒传, shuǐ hǔ zhuàn, XV аср), «Ғарбга саёҳат» (西游记, Xīyóujú, XVI аср), «Қизил кўшкдаги туш» (红楼梦, hónglóumèng, XVIII аср), “Кўзгудаги чечаклар” (镜花, jìng huā, 1825). Айрим хитойлик тадқиқотчилар «Қизил кўшкдаги туш» романи мазмунига анъанавий беш бош ўзакни (беш унсурни) сингдириб юборишга ҳаракат қилганлар. Уларнинг талқинларича, асарнинг ҳар бир қаҳрамони беш ўзакнинг бири: ер, ёғоч, металл, сув ва оловнинг тимсоли сифатида талқин қилинган. Роман бош қаҳрамон Баоюй тимсолида тупроқнинг сифатлари намоён бўлган: у дунёга келганида оғзида топилган маъбуда Нуйванинг яшма (жада) тоши эгасининг ҳаётига доимо таъсир ўтказиб келади. Майса каби эгилувчан Лин Дайюй дарахт, бой оила вакиласи Сюе Баочай – металл, хушчақчақ Ши Сянюн – ўт, қатъий ва хотиржам Мяоюй – сув тимсолини англатади. Барча қаҳрамонлар у ёки бу маънода беш ўзакнинг бири билан боғлиқ.

Ўрта Осиёга ислом дини кириб келгач, “Бешлик” моҳияти “Хамса” тушунчасига ўзгарган. Хамса арабча ва ивритча сўз бўлиб “беш” маъносини англатган. У нафақат адабий жанр, балки яҳудий ва араб халқлари мифологиясида беш бармоқли олақон шаклидаги тумор бўлиб (2-расм),



“Мириам панжаси”, “Фотима панжаси”, шунингдек, “Илоҳ панжаси” деб номланган. Беш бармоқ Тавротнинг беш китобини ёки худони англаш учун мусовийлар ҳис қилиши керак бўлган беш ҳиссиётни билдиради.

Исломда олақондаги беш бармоқ Муҳаммад (с.а.в.) оиласини Фотима, Имом Али, Имом Ҳусейн, Имом Ҳасанни англатади<sup>1</sup>.

Алишер Навоий:

**“Эмас осон бу майдон ичра турмоқ,**

**Низомий панжасига панжа урмоқ.”** деганларида шу каби маъноларни назарда тутган бўлишлари мумкин. Шоир “Хамса”сида энг кўп Хитой мавзусига мурожаат қилган, бош қахрамонлари Фарҳод, Дилоромнинг Чин ўлкасидан эканлиги, Хитой билан боғлиқ сўзларнинг “Ҳайрат ул-аброр”да 18 марта, “Фарҳод ва Ширин”да 108 марта, “Сабъаи сайёр”да 39 марта ва Садди Искандарий” достонида 149 марта келтирилганлиги сабаблари тадқиқ қилинган, уларнинг негизида “Хамса” жанрининг генезисига оид қиёсий хулосаларга келинган.



**2-расм. Хамса-симит  
мифологиясидаги  
магик олақон**

Учинчи бобнинг иккинчи бўлими **“Маъбудалар ва махлуқалар муносабатлари”** деб номланган.

Ўзбек-хитой адабиётида аёл жинсидаги мифологик образлар икки табақада намоён бўлади: юқори дунё илоҳалар ва қуйи табақадаги химера, алвасти-парилар. Бундай талқинлар қадимги инсонларнинг яхшилик ва ёмонлик кучлари аёл образлари кўринишларида ҳам тушунилганини англатади.

Ўзбек-турк адабиётида эзгу маъбуда сифатида асосан Умай тушунилган. Ҳумо кўшининг энг архаик варианты Умай маъбуди билан бошқа халқлардаги шу каби тушунча ўртасида ҳам маълум параллелларни келтириш жоиз. Будда (Сиддхартха Гаутама) онаси – Майя, Исо Масих онаси – Марьям, Зевснинг хотини ва Гермеснинг онаси – маъбуда Майя, ацтеклар унумдорлик маъбуди – Майяуэль билан қадимги аждодларимиз мифологиясида яратувчилик хусусиятига эга бўлган Умай образи ўз моҳияти ва номи билан ўхшашдир. Хитой фольклоридagi инсонни яратган бош маъбуда Нуйва Умай образига, айниқса, ҳар жиҳатдан яқин. Номланишидаги яқинликдан ташқари уларга юклатилган вазифалар ҳам бирдир.

“Ғарбга саёҳат” асари қахрамонларига сафар вақти маъбуда Гуаньинь ёрдам беради. Бу образ хинд буддавий маъбудаси Авалокитешваренинг ўзгарган шакли. Унинг ҳомийлик ҳаракатларини Умай ёки Ардвисура Анахита фаолиятига қиёслаш мумкин.

Аёл тимсолидаги Гуаньин болаларнинг дунёга келишига масъул, хавфли касблар ҳомийси сифатида талқин қилинадик, бу образ ўз илдизлари билан

<sup>1</sup>Ипполитов А. Особенно Ломбардия. Образы Италии XXI. — Азбука-Аттикус, 2013. — С. 496.

туркий фольклордаги Ҳумо ёки Умай образи билан уйғунлик касб этади. Гуанйин персонажи хинд буддавий маъбудининг такомиллашган шакли бўлиб, унинг хитой мифологиясига ўтиш траекторияси ҳозирги Ўзбекистон ҳудуди орқали амалга ошган.

Нуйва ярим илон, яъни белдан пасти оёғи ўрнида тангачалик узун думдан иборат маъбуд. “Скифнинг туғилиши афсонаси” асотирида скиф ёки саклар биринчи онасининг кўриниши ҳам Нуйва қиёфасида тасвирланади: “... Геракл отини қидириб кўп элларга боради. Сўнгра Галеей деган жойга келади. Бу ерда у одамсифат Илон қизга йўлиқади. Илон қизнинг юқори қисми аёл зотига ўхшаса, қуйи қисми илонга ўхшайди. Таажжубга тушган Геракл ундан «Бегона отга кўзинг тушмадими?» деб сўрайди. Илон қиз Геракл агар ўзи билан қовушса, отини беражагини айтади... Энг кейин туғилган кичик ўғил Скиф отаси Геракл шартларини бажаргани учун Илон қиз унга товоқсимон олтин тўқали қайиш билан бепоён ерларини беради»<sup>1</sup>.

Қуйи табақа химера аёллар образлари хитой насрида XVI асрнинг иккинчи чорагидан бошлаб оммабоп персонажларга айланишди. Улар орасида қиёфасини ўзгартира оладиган тулки-қиз (хулижинг, 狐狸精, húli jīng) персонажи энг машҳури бўлди.

Қадимги хитойликларнинг демонологик тушунчаларига кўра, тулки-руҳлар ҳам инсон шаклига кириши мумкин бўлган. Одатда тулки-одам ёш, хушбичим, чиройли қизлар қиёфасида тасвирланган. Сарвқомат гўзал нозанинга айланган тулки-қиз турли ноз ва ишвалар билан Янг-эзгулик вакили: эр кишиларни йўлдан уришган, қудрати, ҳаракати (ци), қонини ўзлаштириб олиб, бу кучдан ўзларининг сеҳрли имкониятларини оширишда фойдаланишган, эр кишининг эса ҳаётини қуввати пасайган, гоҳида ҳолдан тойиб ўлган.

Тулки-қиз эркакнинг ҳаётини кучини тортиб олиш эвазига такомиллашиб борган, кучайишининг сўнгги босқичида ўлмаслик даражасига етган. Ўзбек фольклорида айнан шундай фаолият билан муртув шуғулланган, алвасти тажовузкорлиги, парилар эса гўзаллиги билан йигитларни йўлдан уришган.

Учинчи бобнинг **“Миллий ва ўзига хос хусусиятларни сақлаб қолган жанрлар”** деб аталган учинчи бўлимида миллий хусусиятларини кўпроқ сақлаб қолган жанрлар, жумладан, халқ эртақ ва мақоллари хусусида сўз боради.

Хитой халқ эртақларининг ўзига хос қатор хусусиятлари бор. Уларда инсон шаклига кирувчи, нажоткор қаҳрамонга хизмат қилувчи ёки ёвузлик тимсолини акс эттирувчи кўплаб ҳайвонлар, турли мифологик персонажлар иштирок этишади. Хитой эртақларидаги инсонлар ҳар вақт ҳам исмларга эга бўлмайди. Улар маълум бир ижтимоий гуруҳ вакиллари (масалан, «хунарманд», «деҳқон», «бой») сифатида қайд қилинади. Яхшилик ва ёвузлик ўртасидаги фарқлар ўзбек эртақларидаги сингари қатъий кутбланишган эмас. Бундай эртақлар ҳар доим ҳам бахтли яқун топавермайди. Айрим

<sup>1</sup>Abdurahmonov A. Turkiy adabiyotning qadimiy qatlamlari. Birinchi qism. [Электрон ресурс]: URL <http://kh-davron.uz/kutubxona/jahon/turk/turkiy-adabiyotning-qadimiy-qatlamlari-birinchi-qism.html>. (мурожаат санаси: 03.04.2017)



хитой эртаклари кутилмаган воқеалар ривожи билан ўқувчини ҳайратга солиши, айримларини ўқиганда кайфият очикчасига тушиб кетиши ҳам мумкин. Бунда эртакларнинг қадимги, ибтидоий даврлардан бери кўп ўзгаришларга юз тутмаганлиги, хитой фольклорининг ўзига хос бўлган руҳияти, анъаналари ўз сўзини айтган.

Хитой ҳайвонлар ҳақидаги эртакларини шу турдаги ўзбек эртаклари билан солиштирганда маълум фарқлар кўзга ташланади. Бундай эртакларда ҳаётий жониворлар билан бирга мифологик ҳайвон образлари (лонг, чилин) кабилар ҳам оддий ҳайвон каби иштирок этаверади. Чунки қадимги хитойликлар тушунчасида бу ҳайвонлар аслида мавжуд деб тушунилган. Қолаверса, бундай эртакларда инсон образлари ҳам қатнашган.

Хитой эртаклари орасида шундайлари борки, уларнинг ўхшашлари ўзбек эртаклари орасида деярли учрамайди. Жумладан, йўлбарс Хитойда ҳайвонларнинг шоҳи деб тан олинган ва тотем сифатида аҳамият касб этганлиги сабабли хитой фольклорида қизларни ўғирловчи йўлбарслар ҳақида туркум эртаклар яралган.

Хитой эртакларидаги айрим реал ва мифологик ҳайвонлар шу турдаги ўзбек эртакларида умуман йуқ ёки кам учрайди. Масалан: лонг, фэнхуан, чилин, панда, одамхўр буқа, даҳшатли тўнғиз, улкан балиқ каби персонажлар ўзбек эртакларида учрамайди. Илон, тошбақа, тулки каби ҳайвон-персонажлар ўзбек эртакларида бошқа мақсадларга хизмат қилдирилган. Худди шунингдек, хитой эртакларида от, туя, эшак, қўй, эчки, бўри, қалдирғоч, асалари каби образлар ўзбек эртакларидаги каби кўп қўлланилмайди. Яна бир муҳим жиҳат: ўзбекларнинг ҳайвонлар ҳақидаги эртакларида ҳаёлий жониворлар деярли учрамайди.

Хитой халқ мақоллари давр нуқтаи назаридан анча олдин яратилганлиги учун гоҳида буюк шахслар, машҳур ижодкорлар асарларида мазмунини сақлаган ҳолда турлича кўринишларда акс этди. Айрим арбобларнинг сўзлари эса мақолга айланди. Баъзи мақоллар алломалар томонидан қайта ишланган ва афоризмларга, панд-насихатларга айланиб кетган. Бу ҳодисани Конгфутзи ўғитларида ҳам кузатамиз. Конгфутзининг уқтиришича, у айтган ҳикматлар янгилик эмас, улар асли бор эди. У фақат уларни етказувчи вазифасини ўтаган, холос. Демак, мақоллар Конгфутзи тили билан унинг ўғити бўлиб янграган.

Хитой мақолларида ёввойи жониворлар орасида – йўлбарс, уй ҳайвонлари орасида – от, паррандалар орасида – хўроз (товуқ), умумий номларда балиқ ва қурт-қумурсқа, мифологик мавжудотлар орасида – аждарҳо энг кўп қўлланилган. Хитой мақолларининг ўзига хос специфик хусусиятларидан бири – уларда ҳар вақт ҳам маълум воқеа-ҳодиса ҳақида ҳукм чиқарилмайди, хулоса очик қолади.

**“Шинжон адабиётида Алишер Навоий ва Раҳимбобо Машраб анъаналари”** номли тўртинчи бобнинг биринчи бўлими **“Ғоявий – ижтимоий эврилишлар призмасидаги адабий алоқалар”** ни ўрганишга бағишланган.

Ўзбек адабиёти ўтмиши одатда араб – форс шеърляти муштараклиги заминида талқин қилинадик, дарҳақиқат, бундай тушуниш исломдан кейинги давр туркий адабиёт тараққиётига мос келади. Араблар юришидан олдин яратилган ёзма битикларнинг асосий қисми йўқ бўлди, кўхна тарих каби адабиёт ҳам тўмтоқ, кемтик бўлиб қолди, илдизлари ўқ томирини йўқотди, генезисда узилиш юз берди. Маълум муддат ўтгач, адабиёт бошқа шакл ва мазмундаги ривожланиш босқичига ўтди. Улуғ форс-тожик шоири Абулқосим Фирдавсий ўз вақтида “Шоҳнома” асарини ёзиб, қадимги форс маънавий-маданий, диний-мифологик меросини сақлаб қолишга улкан ҳисса қўшди. Бу асар форсларнинг қадим бадиий тарихи томон қўйилган метин кўприк эди. Унинг хизматидан туркий ўтмиш илдизларини истаганлар ҳам имкони қадар фойдаланишди.

Юртимиз тарихида мавжуд бўлган турли динлар ўз ғоявий моҳиятига кўра адабиётга ва кўшни халқлар билан боғлиқ маданий-маънавий алоқалар сифатига таъсир кўрсатган.

Қадимги ўзбек ва хитой халқлари бир динга эътиқод қилган, бир хил муштарак, ғоявий қарашларга эга бўлган тарихий даврни ҳам бошдан кечирганлар, буддавий дунёқарашни ривожлантиришган ва ёйишган. Икки халқ диний-фалсафий қарашларини бирлаштирган таълимот буддавийлик (буддизм, бурхонлик) бўлган. Шимолий-Ғарбий Хитойнинг Қашқар, Оқсув, Ёркенд, Хўтан, шунингдек, Қучар, Турфон ва Қорашар вилоятларида кенг ёйилган буддавийлик бир неча асрлар давомидаги қаттиқ қаршиликлар билан ўз ўрнини исломга бўшатиб берди.

Қорахонийлар даври асарлари Маҳмуд Қашқарийнинг “Девону луғот ат-турк”, Юсуф Болосоғунийнинг “Қутадғу билик”, Аҳмад Югнакийнинг “Ҳибат ул ҳақойиқ”, Аҳмад Яссавий ва Сулаймон Боқирғонийларнинг ҳикматлари туркий дунё ислом маданиятининг биринчи нодир ёдгорликларидан бўлди.

Ислом дини таъсиридаги Хитой халқлари адабиёти асосан Алишер Навоий ва Раҳимбобо Машраб адабий анъаналари заминида ренессанс даврини ўз бошидан кечирди.

Хитойда 2006 – 2008 йиллар давомида олиб борган илмий изланишларимиз натижасида халқлараро адабий ва маданий алоқалар, Алишер Навоий ва Раҳимбобо Машрабнинг Хитой шимолий-ғарбий ҳудуди адабиётига кўрсатган таъсири, ўзбек илмий жамоатчилигига яхши маълум бўлмаган қатор адиблар ва улар билан боғлиқ айрим манба ва маълумотларга эга бўлдик. Бу маълумотлар Россия Федерацияси кутубхоналари қўлёзма фондларида тўпланган материаллар билан қувватлангани ҳолда маълум хулосаларга келинди. Улар асосида Ёркенд хонлиги ҳудудида яшаган ижодкорлар ҳақида маълум хулосаларга келиш, Туркистон адабий муҳити билан муқояса қилиш, бадиий асарларининг қиёсий таҳлиллари асосида кўшни халқларнинг адабий қарашлари ва алоқаларига доир тадқиқот ишларини майдонга келтириш мумкин.

Тўртинчи бобнинг **“Ёркенд адабий муҳити шаклланишида ўзбек адабиётининг ўрни”** номли иккинчи бўлимида ўзбек адабиёти таъсирида

майдонга келган ХХР Шинжонг худудидаги XVIII асргача бўлган адабий ҳаёт ўрганилган.

Ёркенд хонлари Мирзо Улуғбек, Ҳусайн Бойқаро, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Муҳаммад Шайбоний, Убайдий, Амирийга тақлидан ҳукмронлик фаолиятларини шоирлик билан бирга олиб боришган. “Шохрух, Бойсунқур, Арслонхожи Тархон каби ҳукмдорлар Шарқий Туркистонда ҳам яшашди. Масалан, Ёркенд хонлиги – Саидия – хонлари Саидхон, Абдурашидхон, шунингдек, кейинги ҳукмдор-шоирлар Жаҳонгир Хўжа, Зухриддинбек ва бошқалар адабиёт ривожига катта улуш қўшишди”<sup>1</sup>. Буларга Рашидийнинг аёли Аманнисахон, устози ва бош вазир Юсуф Қодирхон Ёркендий, Жаҳонгир Хўжанинг ўғиллари Футухий, Зухурийни ҳам қўшиш мумкин.

Қуйида келтириладиган ижодкорлар асосан XVII аср иккинчи ярмида ижод қилишган бўлиб, улар асарларига Алишер Навоийдан ташқари Раҳимбобо Машраб каби ўзбек шоирларининг таъсири катта бўлган. Бўлимда Обид Қумулий, Мулла Позил, Муҳаммад Хароботий, Хирқатий, Муҳаммад Сиддиқ Залилий, Навбатий, Бобохўжа Охун Хўтандий, Шаирахун, Иброҳим Машҳурий, шунингдек, Сиддиқ Қашқарий, Хожа Насирохун, Мавлоно Хулқий каби шоир ва санъаткорлар шеърларини қиёсий-танқидий ўрганиш, шу асосда ўтмиш ўзбек адабиётининг тарқалиш жуғрофиясини ва таъсир доирасини аниқлашга ҳаракат қилинди. Келтирилган шоирлардан айримлари ҳақида мухтасар тўхталиб ўтамиз.

**Мулла Позил.** Адабий таҳаллуси «Кичик». 1653 йилда туғилган. Шоирнинг Алишер Навоий асари таъсирида 1705 йили ёзиб тугатилган «Лайли ва Мажнун» достони бизгача етиб келган. Асарнинг Алишер Навоий «Лайли ва Мажнун» достонидан асосий фарқи тилининг соддалиги, эл оғзаки ижодидаги тушунчаларнинг акс этишида кўринади. Қўлёзма 254 саҳифадан, 5592 мисрадан таркиб топган.

Иқтидорли лирик шоир сифатида ном қолдирган ижодкорлардан бири хўтанлик **Навбатий**дир (1691 – 1760 йй.). Унинг асарлари Қашқар мадрасаларида Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий асарлари билан бир қаторда ўқитилган. Навбатий шеърлари тўплами 1954 йилда Кучар шаҳрида топилган. Мажмуага тахминан 1740 йилда тартиб берилган. Қўлёзма 107 ғазал ва 31 рубойини ўз ичига олади. Китобга Ҳувайдонинг 69 шеъри ҳам киритилган. Бу шеърлар ҳақида диссертацияда маълумотлар келтирилган.

Тўртинчи бобнинг учинчи бўлими “**XVIII–XIX асрлар Шинжон адабиётининг олтин даври сифатида**” деб номланиб, бу даврда Алишер Навоий ва Раҳимбобо Машраб асарлари таъсирида ижод қилган, адабий мероси деярли ўрганилмаган яна бир қанча шинжонлик иқтидорли адиблар ҳақида сўз юритилди. Улардан бири Аршийдир.

XVIII асрнинг иккинчи чорагидан бошлаб Арший таҳаллуси билан девон тартиб берган **Хўжа Ёқуб Хўжа Жаҳон** исмли ҳукмдор-шоир фаолият

---

<sup>1</sup>Юсупов К.Р.Ч.Ч. Валиханов и развитие литературы восточного Туркестана XVII – первой половины XIX вв. // Известия. Национальной АН РК. №1, 2014, – С. 71.

олиб борган. Тахминан 1724 – 1730 йиллар оралиғида Бухоро, Қўқон мадрасаларида ўқиган. Арший тахаллуси билан туркий, форс ва араб тилларида шеърлар ижод қилган. 1735 – 1759 йиллар орасида Ёркенд ҳокими бўлган. Арший ҳар пайшанба куни «Олтин» мадрасада талабаларга дарс берган. Улар орасида Қўқон хонлигидан бўлган талабалар ҳам таҳсил олишган.

Хўжа Ёқуб Хўжа Жаҳоннинг ҳукмдорлиги даврида туркий шеърят ривожланиши билан бирга форс, араб тилларидан қатор нодир манбалар таржима қилинди. Бунда, айниқса, ҳукмдор ўғли Футуҳий, Мулла Хўжа, Хамушоҳун Ёркендий, Мирҳалиддин Ёркендий, Қосимий, Мулла Муҳаммад Темур Қашқарий, Муҳаммад Сиддиқ Артуший кабилар сермахсул ижод қилдилар. Бу даврда Қосимийнинг “Тазкираи Арслонхон”, муаллифи номаълум бўлган “Тазкираи Султон Сутуқ Буғроҳон Ғозий”, Мулла Ниёзийнинг «Тазкираи Заҳиулло», Муҳаммад Амин Садр Қашқарийнинг “Дур ул ахбор”, Шаирахуннинг “Исломнома” номли тазкира, тарихий асарлар, қатор баёз ва девонлар майдонга келди.

Яна бир иқтидорли шоир *Абдураҳим Низорий (1776-1849)* Қашқарда ҳунарманд оиласида туғилди. Дастлаб диний мактабда, сўнгра мадрасада таълим олди. Араб ва форс тилларини ўрганди, ўзбек, форс-тожик мумтоз адабиётлари вакиллари асарлари билан яқиндан танишди. Бадиий адабиёт билан шуғулланиш жараёнида хаттотлик санъатини ҳам эгаллаб олди. Адабий, илмий, тарихий асарларни китобат қилиб, қўлёзма манбаларни кўчириб тирикчилик қилди. Бечораҳол кишиларларга турли ариза-ҳужжатларни ёзишда ёрдам берди. Хаттот дўстлари билан бирга Фирдавсий, Низомий, Саъдий, Жомий ва севимли адиби Алишер Навоий асарларининг қўлёзма нусхаларини кўчириб тарқатар эди.

Абдураҳим Низорий Алишер Навоийнинг ишқий лирикасини муваффақиятли давом эттирди, ўзбек устозининг ғазалларига қирқдан ортиқ мухаммас боғлади.

Қашқар ҳокими Зухриддинбек Алишер Навоий “Хамса”сининг катта мухлиси эди. Унинг буюртмасига кўра, *Низорий* иқтидорли дўстлари *Наурузохун Зиёи* ва *Турдушоҳун Ғарибий* билан биргаликда “Хамса”га ўзига хос жавоб тарзида 1841 – 1844 йиллар орасида “Ғариблар ҳикояти” номли дostonлар, ғазал, мухаммас ва ҳикоятлардан, жами ўн саккиз минг байтдан иборат асар яратишди. Ғариблар ҳикоятининг бир нусхаси ХХР, Урумчи шаҳар, тарихий ёдгорликлар музейида (ин.№93) сақланса, яна бири РФ ФА ШИ Ленинград қўлёзмалар бўлимидан (ин.№ С165) жой олган. Ўзига хос ушбу бешлик “Муҳаббат дostonлари” номини олди. Бу асар “Хамса”лардан фарқли равишда ўз таркибига беш эмас, балки ўн дostonни қамраб олган: “Зайд ун нажот”, “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, профессор М.Муҳитдинов 2008 йили нашр қилдирган “Шоҳ Баҳром ва Дилором” дostonи<sup>1</sup>, “Вомик ва Узро”, “Тўрт дарвиш”, “Маҳзун ва Гулноз”,

<sup>1</sup> Қаранг: *Ғарибий*. Шоҳ Баҳром ва Дилором. (нашрга тайёрловчи ва сўз боши муаллифи ф.ф.д.. проф. М. Муҳитдинов) ЎзР ФА “Фан”нашриёти.2008. – 150 б.

“Масъуд ва Дилоро”, “Робия ва Саадин”, “Китоби Ғариб” ва тўрт ҳикоят: “Ҳаким Зухриддин ҳақидаги ҳикоят”, “Султон Мааб адолати ҳикояти”, “Асмаъ ҳақидаги ҳикоят” ва “Шайх Саъдий Шерозий ҳақидаги ҳикоят”. Улардан “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, Шоҳ Баҳром ва Дилором” Алишер Навоий асарлари сюжетлари асосида ёзилган. “Робия ва Саадин” достони Қашқардаги реал ҳаётини воқеалар заминида юзага келди, қолганлари эса бахтсиз ошиқлик ҳақидаги маҳаллий эртақ ва ривоятлар асосида ёзилди.

“Ғариблар ҳикояти”даги дostonларга Абдурахим Низорий қаламига мансуб бўлган “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Маҳзун ва Гулнисо”, “Робия ва Саадин”, “Бону”, Наурузохун Зиёи билан ҳаммуаллифликда ёзилган “Тўрт дарвеш” асарлари мансубдир.

Адибнинг “Фарҳод ва Ширин” достонидаги сюжет, бош қаҳрамонлар ҳаракати, Форс шохининг босқинчилик уруши, бош қаҳрамон Фарҳоднинг арман юрти ҳимоясига отлангани, икки ёрнинг вафоти каби ҳолатлар Алишер Навоийнинг шу мазмундаги достонига ҳамоҳанг.

*Турдушоҳун Ғарибий* Алишер Навоийнинг “Лисонут тайр” достонига жавоб тарзида “Китоби Ғариб” достонини яратди.

XIX асрнинг биринчи ярмида яшаган, Шимолий-Ғарбий Хитой ҳудудидаги адабиёт ривожига муносиб ҳисса қўшган ижодкор Садой таҳаллуси билан шеърлар ёзган *Амир Ҳусейн Собирийдир*.

Амир Ҳусейн Собирий ижодида ахлоқий - дидактик мазмундаги 20 бобдан иборат бўлган “Мақолот” асари муҳим ўрин тутди. Асар ХХРда нашр бўладиган “Булоқ” журналида<sup>1</sup> тўлиқ ҳолда эълон қилинган. Шоир ўзидан олдин ўтган буюк салафлар Фариддин Аттор, Низомий Ганжавий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоийларнинг шу руҳдаги асарларидан таъсирланиб, ўзига хос оригинал асар яратди.

Унинг “Мақолот”асари Алишер Навоийнинг “Лисонут тайр”, “Ҳайрат ул-аброр”, “Сабъаи сайёр” асарларининг насрий баёни кўринишида майдонга келган. Бундан ташқари шоирнинг “Садой Девони”, шунингдек, 1840 йилда ёзган Алишер Навоийнинг “Садди Искандарий” асари таҳлилига бағишланган рисоласи мавжуд.

Алишер Навоий дostonларининг яна бир муҳлиси, дostonнавис - шоир *Муҳаммад Сиддиқ Ёркендийдир*. У 1813 йили Ёркенд ҳукмдори Мирзо Муҳаммад Ҳакимбек таклифига кўра, Алишер Навоий “Хамса”сини насрий тарзда қайта ишлаб чиқди ва уни “Насри Мирза Муҳаммад Ҳакимбек” деб атади. Муаллиф Алишер Навоий “Хамса”сига кирган тўрт дostonни қолдириб, “Ҳайратул аброр”нинг ўрнига “Лисонут тайр” дostonини киритди.

Ўзбек лирикасининг мумтоз анъаналари шеърятда, XIX асрнинг иккинчи ярмида ижод қилган Садир Полвон, Билол Нозим, Мулла Қурбон, Саид Муҳаммад Коший, Мулла Шокир кабиларнинг асарларида давом этди.

Ўзбек адабиётшунослигида биринчи марта Шинжондаги адабиёт Алишер Навоий ва Раҳимбобо Машраб асарларининг кучли таъсири остида шаклланганлиги асослаб берилди. Навоийшунос олим Ш. Сироҷиддинов

<sup>1</sup> Булоқ. جۇڭخۇا خەلق جۇمھۇرىيىتى. ئۈرۈمچى 1982, №3. 12-53

Алишер Навоийни “...фақат ўзбек халқи эмас, балки бутун турк оламининг буюк шоири, мутафаккири сифатида жаҳон бадий тафаккури тарихида ўз ўрни ва мақомига эга ижодкордир”<sup>1</sup> деганида ҳақли равишда улуғ муршиднинг туркий халқлар, айниқса, чигатой адабиёти равнақидаги ўрнини тўғри белгилаган. Ўзбек адабиёти таъсирида Ёркенд хонлиги адабий муҳити, Шимолий-Шарқий Хитойдаги адабиёт нафақат жанр, мазмун ва мавзу, балки бадий усулларни қўллаш нуқтаи назаридан ҳам қайта юксалиш жараёнини ўз бошидан ўтказди.

## ХУЛОСА

Олиб борган изланишларимиз натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Дунё адабиётшунослигида Хитой ва бошқа халқлар адабий алоқалари борасида бугунги кунда Буюк Ипак йўлида жойлашган халқлар ўртасидаги тарихий, маданий – адабий алоқаларнинг вужудга келиш сабаб ва жараёнини ёритиш; қадимги Хитой, ҳинд, Миср, юнон халқлари адабиётлари билан миллий адабиётларни қиёсий тадқиқ қилиш ва шу аснода ҳудудий адабиётларнинг онтологияси, тараққиёти ва тарихий эврилишларга монанд образларнинг ўзгаришларга юз тутиши, параллел сайёр сюжетларнинг вужудга келиш сабаб ва жараёнларини ўрганиш муаммоси дунё адабиётшунослиги учун муҳим ўрин тутди, бу ҳолат ўзбек адабиётшунослиги учун янги мазмундаги муаммолар ечимини кун тартибига олиб чиқди.

2. Хитой инсоният тамаддунида қадимги тарихи, маданияти ва ёзуви билан алоҳида ўрин тутади. Ёзма манбалар Хитой тамаддунининг 3500 йилдан ортиқ тарихи мавжудлигига шоҳидлик беради. Хуанхэ ва Янцзи дарёлари атрофида яшаган қадимги хитойликлар кўчманчи ва тоғлик қўшниларида фарқли ўлароқ асосан дехқончилик, чорвачилик билан кун кечиришган. Бунинг таъсирида юзага келган тушунчалар қадимги хитойликларнинг дунёнинг яратилиши, бош маъбудлар, худолар пантеони, космогоник қарашлар, анимистик ва тотемистик тушунчалар, мифологик персонажлар генезиси ва эволюциясига оид сюжетлар композициясида акс этди.

3. Ўзбек-хитой адабий алоқалари тарихида Ўрхун-Энасой ёзма ёдгорликлари, “Ирқ битиги”, монийлик фолномаси ва шеърлари, “Ўғузнома”, шунингдек, “Шужин” (書經, shū jīng) – Тарих китоби, “Ижин” (易經, Yì Jīng) - Эврилишлар китоби, “Чжуангзи” (莊子, Zhuāngzǐ) - Устоз Чжуан (китоби), «Шанхайжинг» (山海經, Shānhǎi Jīng) - Тоғ ва денгизлар китоби, “Хуайнанцзи” (淮南子, Huáinán zǐ) – Хуайнанлик оқсоқоллар китоблари катта аҳамиятга эга бўлди. Бу китоблар ўзбек-хитой халқлари адабий алоқалари генезисини аниқлашда асосий манбалар вазифасини ўтайди.

<sup>1</sup>Сирожиiddинов Ш. Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили. – Т: Akademnashr, 2011. – Б.3.

4. Қадимги аجدодларимизнинг мифологик қарашлари кўшни халқлар, жумладан, ҳозирги ХХР ҳудудидаги эллар билан турли соҳалардаги алоқалари туфайли ўша ҳудуд диний-фалсафий, бадиий тасаввурларига ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмади. Хитой мифологиясида илоҳийлаштирилган “Тянь”–осмон, “Тенгри”–осмон сўзи ва тушунчаси билан боғлиқлиги маълум бўлди. Тенгри-Пангу, Умай-Нуйва, Эрлик-Сиванмунинг мифологик-теологик персонажлар сирасида тутган ўрни, онтологик роли, олам-одамни яратишдаги иштирокларида умумий муштараклик томонлари мавжуд.

5. Тадқиқотда мифологик-тотемистик ҳайвонлар – аждарҳо ва бўри образлари қиёсий ўрганилди ва уларнинг халқлар аجدодлари ёки ҳомийси сафатидаги ролига баҳо берилди, Пангу-ит ва Тенгри-бўри кўринишидаги демург тушунчаларга; флора вакиллари қўлланилиш вазифасига аниқликлар киритилди. Шунингдек, хитой мифологиясида одамга хос психик хусусиятларни нарсалар, жониворлар ва табиат ҳодисаларига ҳам хос деб билиш, уларни инсонга ўхшатиш қахрамонларни антропоморфизациялаш жараёнига хос хусусият эканлиги ойдинлашди.

6. Будда таълимоти таъсирида Ҳиндистон ва Ўрта Осиёда яратилган мифологик образ ва тушунчалар хитой миллий қарашлари ва ментал қолиплари асосида қайта ўрганилди. Буддавийлик дастлаб қадимги Турон заминидан Хитой ҳудудига ва у ердан кўшни ўлкаларга тарқалиши даврида кўчишга юз тутган юртимиздаги диний-фалсафий ғоялар билан бир вақтда маданий – маънавий тушунчалар, мифологик қарашлар ҳам хитой халқ бадиий фантазиясининг шаклланишида муҳим ўрин тутди.

7. III асрдан бошлаб конгфутзилик ва даосизм фалсафий оқимларида ҳам бир хил мифологик образлар иштирок этди. Конгфутзиликда мифологик образларга тарихийлик моҳияти сингдирилса, дао таълимотида бу образлар ўз фалсафалари қоидаларига хизмат қилдирилди. Дао таълимоти хитой миф ва бадиий насрига мўъжизакор руҳонийлар, жин-ажина, кароматли ҳодисалар талқин ва баёнлари билан акс этган, новелла жанридаги хулицзин каби химераларнинг ўзбек демонологияси персонажлари билан ўхшаш ва фарқли томонлари ўрганилди.

8. Хитой ёзма адабиётига шимолий ва ғарбий ҳудудларда яшаган эллар таъсири, ўзбек-туркий адабиёт жанри бўлган туюқнинг хитой адабиётида машҳур юэфу жанри сифатида намоён бўлиши, биринчи хитой шоири Цюй Юань ижодида элегия (йиғи-йўқлов) жанри тараққиёти ва унинг “Девону луғот ат-турк” асаридаги инъикосига оид фикрлар билдирилди.

9. Икки халқ ўртасидаги адабий боғлиқлик юртимизга ислом дини кириб келгач, секинлашди. Хитой-ўзбек маданий, маънавий алоқалари янги диний талаб ва аҳкомларга мослаштирилди. Хитой ва Туркистон ҳудудларида яшаган адибларнинг асарларида буддавийлик, монийлик, тенгрилик, конгфутзилик тушунчаларига асосан барҳам берилди.

10. Шимолий-Ғарбий Хитой ҳудудида Маҳмуд Қашқарий, Юсуф Болосоғуний асарларининг майдонга келиши, уларнинг туркий-хитой адабий муҳити учун кўприк вазифасини ўтаган, ўзбек-туркий адабиёт Танг, Мин ва

Цин империялари муҳитида шаклланган адабий қарашлар билан алоқада такомиллашган.

11. Конфутзилик “Беш китоб” (“Ужинг”) анъанасининг хитой адабиётига таъсири, араб ва қардош халқлар фольклоридаги “хамса” тушунчасининг моҳияти, Алишер Навоийнинг “Хамса”сида энг кўп тилга олинган ва айрим бош қаҳрамонларнинг ватани сифатида келтирилган Хитой мамлакатининг бежиз танланмаганлиги, “Бешлик” тушунчаси замирида беш унсур – тупроқ, темир, сув, олов, дарахт тушунчалари ётганлигига оид мулоҳазалар билдирилди.

12. Ёркенд адабий муҳити бевосита Алишер Навоий ва Раҳимбобо Машраб асарлари таъсирида майдонга келди. Ўзбек мумтоз адабиёти Хитой туркий тилли адабиётида ренессанс даври юз беришини таъминлади, “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун” каби дostonларнинг ёзилишига замин яратди.

13. ХХРдаги илмий сафаримиз давомида қўлга киритилган манба ва материаллар асосида ўзбек адабиётшунослигида деярли ўрганилмаган Ёркенд адабий муҳити ҳақида маълумотлар келтирилди, Султон Саидхон (Саидий), Абдурашидхон (Рашидий), Аманнисахон (Нафисий), Юсуф Қодирхон (Ёркендий), Жаҳонгир Хўжа (Арший), Зухриддинбек каби ҳукмдорлар, шунингдек, Обид Қумулий, Мулла Позил, Муҳаммад Хароботий, Хирқатий, Навбатий, Бобохўжа Охун Хўтандий, Шаирахун, Иброҳим Машҳурий, Амир Ҳусейн Собирий, Турдушоҳун Ғарибий, Муҳаммад Сиддиқ Ёркендий сингари зиёли ижодкорлар адабий фаолиятлари тўғрисида фикр юритилиб, дoston ва шеърлари, уларга маънавий устоз бўлган Алишер Навоий асарлари билан қиёсий ўрганилди.



**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ САМАРКАНДСКОМ  
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**МУСУРМАНОВ ЭРКИН РАББИМОВИЧ**

**ГЕНЕЗИС УЗБЕКСКО-КИТАЙСКИХ ЛИТЕРАТУРНЫХ СВЯЗЕЙ:  
ОБЩНОСТЬ В ФОЛЬКЛОРЕ И ЛИТЕРАТУРЕ**

**10.00.02 – Узбекская литература**

**АВТОРЕФЕРАТ  
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОЛОГИЧЕСКИХ НАУК (DSc)**

**Самарканд – 2020**

**Тема докторской диссертации (DSc) по филологическим наукам зарегистрирована за номером №B2019.3.DSc/Fil184 высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики.**

Докторская диссертация выполнена в Самаркандском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Ученого совета ([www.samdu.uz](http://www.samdu.uz)) и в Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

**Научный консультант:**

**Мухиддинов Муслихиддин Кутбиддинович**  
доктор филологических наук, профессор

**Официальные оппоненты:**

**Сирожиддинов Шухрат Самариддинович,**  
доктор филологических наук, профессор

**Элтазаров Жулибой Донабоевич,**  
доктор филологических наук, профессор

**Ма Цуй Линг**  
доктор филологических наук

**Ведущая научная организация:**

**Институт узбекского языка, литературы и фольклора, Академия наук Республики Узбекистан**

Защита диссертации состоится « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2020 года в \_\_\_\_ часов на собрании Научного совета DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03 по присуждению научных степеней при Самаркандском государственном университете (Адрес: 140104, город Самарканд, Университетский бульвар, 15. Тел: (8366) 239-11-40, 239--18-92; факс: (8366) 239-11-40; e-mail: [rector@samdu.uz](mailto:rector@samdu.uz). Самаркандский государственный университет, Главный учебный корпус, 105-й кабинет).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета (Зарегистрирована под номером \_\_\_\_). (Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский бульвар, 15. Тел: (8366) 239-11-40, 239--18-92; факс: (8366) 239-11-40.

Автореферат диссертации разослан « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2020 года  
(Реестр протокола рассылки \_\_\_\_ от « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2020 года).

**Ж.Хамроев,**  
Заместитель председателя научного совета  
по присуждению ученых степеней,  
доктор фил.н.

**А. Б.Пардаев,**  
Секретарь Научного совета по присуждению  
научных степеней, д.филол.н

**А.Э. Маматов,**  
Председатель научного семинара при  
Научном совете по присуждению научных  
степеней, д.филол.н.

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации (DSc))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Китайская литература своей самобытностью, во все времена, была в центре внимания мирового литературоведения. В культуре и литературе Поднебесной присутствуют и находятся своеобразные, уникальные понятия, связанные с ранними иллюстрациями художественной мысли. В китайском фольклоре существуют отношения горизонтальных (земля, небо и т.д.), вертикальных (человек, флора, животное, дождь и т.д.) и мифологических образов, связанных с Инь-Янь (кит. trad. 陰陽), а также своеобразными вращающимися, круговоротом пяти элементов (земля, дерево, железо, вода и огонь), которые открывают новые понятия и обогащают фольклор и литературу.

В мировом литературоведении широко практикуются сравнения, сопоставления определённой национальной литературы с китайской литературой. Фольклор и литература Поднебесной со своей уникальной древностью стала для многих национальных литератур хронологическим литературным измерителем; присущие к китайской письменности литературные элементы. Отсюда следует, что научное исследование сюжетов, категории образов и поэтики жанров стало почвой для изучения генезиса и эволюции литератур. иных народов на основе современных методов анализа имеют крайне важное значение.

В узбекском литературоведении отсутствуют работы посвященные проблемам связанные с процессом исследования узбекско-китайских литературных связей. На повестке дня стоят следующие вопросы: определить генезис литературных видов, жанров, сюжетов, персонажей-эпизодов, поэтических фигур и мифологических образов на основе древних литературных источников; сравнительно изучить художественные предпосылки и развитие на этой почве параллелей, зигзагов, спиралей взаимоотношений; воздействий других внешних факторов, подавших разным трансформациям и изменениям литературных произведений, осветить проблемы литературной традиции и новизны узбекско-китайских литературных отношений. Литературное воздействие произведений Алишера Навои и Рахимбобо Машраба на чагатайскую литературу, которая существовала со времён Яркентского ханства до начало XX века на территории Северо-Западного Китая. Приведённые проблемы определяют актуальность и необходимость темы диссертации.

Социально-исторические, религиозно-философские, культурно-литературные связи народов Узбекистана и Китая имеют очень древние и глубокие корни. В древних источниках китайцы свою родину называли “поднебесной” (天下 — *tian xia* — тьен ся), в небосводе видели силу которая оберегает государство — божественное обиталище. Древние предки узбеков как и китайцы воспринимали небо как царство бога-тенгри, что их край находится под опёкой космоса, мифологические суждения о владыке

вселенной и хранителе страны, об общности генезисов пантеона богов, о сходстве древних рунических надписей, по теологии потомков одного предка – Ияфета. Как подчеркнул “Взаимоотношения Узбекистана и Китая имеют многовековые корни еще со времен Великого шелкового пути. История хранит в нашей благодарной памяти яркие примеры и уникальные факты устойчивых торговых, научных и гуманитарных обменов, взаимопроникновения наших культур, традиций и обычаев”<sup>1</sup>.

Данная работа в определённой степени способствует воплощению задач, обозначенных в Указе Президента Республики Узбекистан № ПФ-4797 от 13 мая 2016 года «Об организации Ташкентского государственного университета узбекского языка и литературы имени Алишера Навои», Постановлении Президента Республики Узбекистан ПП-2995 от 24 мая 2017 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы хранения, исследования и пропаганды древних письменных источников», Постановлении Кабинета Министров №571 от 24 июля 2018 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Самаркандского государственного университета», Указе Президента Республики Узбекистан от 10 октября 2019 года «Об утверждении концепции развития системы высшего образования Республики Узбекистан до 2030 года», Послании Президента Республики Узбекистан Олий Мажлису от 24 января 2020 года и других нормативно - правовых документах.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан.** Исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением I. «Формирования и пути реализации системы инновационных идей духовно-просветительского, культурного, экономического, правового, социального развитие информатизированного общества и демократического государства» развития науки и технологий республики.

### **Обзор международных научных исследований по теме диссертации<sup>2</sup>.**

Научные направления изучения генезиса литературных связей китайской и национальных литератур, общности в мифологических взглядах древних народов проводятся в ряде научно-исследовательских центров и высших учебных заведений мира, в том числе, Peking University, Fudan University, Zhejiang University (КНР); University of Tokyo (Япония); Seoul National University (Корея); University of Delhi (Индия); University of California, University of Harvard (США); Universiteit van Amsterdam (Голландия); Oxford University Language Centre (Великобритания); Санкт-

---

<sup>1</sup>Мирзиёв Ш.: Ўзбекистон Хитой билан ҳамкорликдан манфаатдор.[Электронный ресурс]: <https://kun.uz/32085905> (дата обращения: 18.08.2019).; Главы КНР и Узбекистана обменялись поздравительными посланиями. [Электронный ресурс]: URL<http://uz.chineseembassy.org/rus/zwxgzxd/t1428519.htm>. (дата обращения: 03.09.2019)

<sup>2</sup>Обзор зарубежной научной литературы выполнен по следующим источникам: [www.pku.edu.cn](http://www.pku.edu.cn), [www.fudan.edu.cn](http://www.fudan.edu.cn), [www.zju.edu.cn](http://www.zju.edu.cn), [www.u-tokyo.ac.jp](http://www.u-tokyo.ac.jp), [www.useoul.edu](http://www.useoul.edu), [du.ac.in/adm2019/](http://du.ac.in/adm2019/), [www.universityofcalifornia.edu](http://www.universityofcalifornia.edu), [www.homepage.psy](http://www.homepage.psy), [utexas.edu](http://utexas.edu), [www.lscp.net](http://www.lscp.net), [www.aolifo.de](http://www.aolifo.de), [www.kodanshausa.com](http://www.kodanshausa.com), [www.diva-portal.org](http://www.diva-portal.org), [www.roa.rutgers.edu](http://www.roa.rutgers.edu), [spbu.ru](http://spbu.ru), [www.ras.ru](http://www.ras.ru), [www.ivran.ru](http://www.ivran.ru), [www.nsu.ru/n/](http://www.nsu.ru/n/), [www.kaznu.kz](http://www.kaznu.kz), [www.navoiy-uni.uz/ru](http://www.navoiy-uni.uz/ru), <http://dsmi.uz>, [www.academy.uz](http://www.academy.uz), [www.adu.uz](http://www.adu.uz).

Петербургский государственный университет, Институт востоковедения РАН; Новосибирский государственный университет (Россия); Казахский национальный университет (Казахстан); а также в Ташкентском государственном университете узбекского языка и литературы имени Алишера Навои, государственном институте искусств и культуры Узбекистана; в Институте узбекского языка, литературы и фольклора Академии наук Республики Узбекистан, Андижанский государственный университет (Узбекистан).

Разработаны практические основы генезиса и эволюции древних письменных источников «Ши цзин» (詩經,) “Шу цзин” (書經), “И Цзин” (易經), «Шаньхай цзин» (山海經,), “Хуайнань-цзы” (淮南子), влияние литературных памятников на литературу более позднего периода, Конфуция на художественную литературу. (Peking University (北京大学), Fudan University (復旦大学), Zhejiang University (浙江大学, Zhōnghuá Rénmín Gònghéguó); выполнены научные работы по выявлению сути Великого Шёлкового пути и его трансконтинентальное значения в литературных процессах (University of Harvard, University of Colifornia, USA Universiteit van Amsterdam, Holland; Oxford University Language Centre, Great Britain); выполнены научные труды, посвящённые роли китайской мифологии в Дальневосточной литературе и его влияние на японскую прозу, мифы синтоизма (University of Tokyo, Japan); велись исследования, посвящённые влиянию образов и персонажей фольклора династии хань на искусство, культуру и литературу древних государств таких как Когурё, Пэкче и Силла (Seoul National University, Корея); Изучены образцы фольклора, сопоставительно сравнены эпические герои в произведениях “Рамайна”, «Повествование о сражениях. Махабхарата или сражения потомков Бхарата”(University of Delhi, India); проведены исследования, посвящённые древней китайской литературе и влиянию Конфуция (Институт востоковедения РАН); написаны научные труды, посвящённые современной китайской литературе, литературного наследия стоящего у истоков китайской современной литературы, которая начала существовать с 1979 года и называлась как “литература шрамов” (Санкт-Петербургский государственный университет, Новосибирский государственный университет, Россия); отражение образов китайской мифологии в устном народном творчестве, в древних жанрах (эпосах) и сказках кочевников (Казахский национальный университет, Казахстан); разработана система исследования мифологических понятий предков древних тюрков, живших на территории Китая - пантеона богов, создание вселенной, (Ташкентский государственный университет узбекского языка и литературы имени Алишера Навои); написано учебное пособие “Основы фольклороведения” (Узбекский государственный институт искусств и культуры), написаны несколько научных трудов, посвящённых мифам, фольклору и литературе (институт узбекского языка, литературы и фольклора Академии наук Республики Узбекистан), исследованы влияние литературного наследия

Алишера Навои на литературную среду Синьцзяна, на творческий метод литераторов, таких как Низори, Гариби, Зиёи (Андижанский государственный университет).

Актуальной проблемой в мировом литературоведении является определение воздействия мифов и сказок народов, живших по соседству с китайским народом, включая фольклор тюркских народов, индусов, тибетцев и т.д.

